Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буколмайди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

(Президент Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон телевидениеси учун берган махсус интервьюсидан)

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

13 (328)

Mart

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида хорижий давлатлар элчихоналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

ТЕРРОРЧИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров 28-29 март кунлари пойтахтимизда ҳамда Бухоро вилоятида содир этилган террористик ҳаракатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари бошланганини маълум қилди.

Дастлабки тергов маълумотлар, мазкур террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик ташкилий равишда ва кенг миқёсда олиб борилганидан далолат беради.

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида қўлга олинган кўплаб миқдордаги аммиак селитраси, алюмин кукуни ва детонаторлар буни исботлаб турибди.

Бундай жиноятларнинг сабабини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида махсус ҳукумат комиссияси ташкил этилганини Бош прокурор таъкидлаб ўтди.

Ташқи ишлар вазири С.Сафоев дунё бўйлаб террорчилик ҳаракатлари содир этиш кўпайганини, жаҳон ҳамжамияти бу машъум балога қарши ҳамкорликдаги курашни янада кучайтириши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА)

ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

29 март куни Тошкентнинг «Чорсу» бозори ҳудудида юз берган хунрезликлар қалбимизни ларзага солди. Хунрезликка қўл урган аёл кимнингдир қизи бўлган, кимгадир турмушга чиққан, унинг ҳам фарзанди, акаси, укаси, опа-сингиллари, қариндош-уруғлари бордир? Энди улар маҳалла-қўйнинг, эл-улуснинг кўзига қандай қарайдилар. Демак, у аёлнинг бу дунёси-ку куйиб кетди. Лекин унинг у дунёси нима бўлди? Ахир у бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлди-ку?

Масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, диний-экстремистик ҳаракатнинг, террорнинг мақсади битта: улар тараққиётни, демократияни, эркин бозор амалларини орқага — ўрта аср узлатларига буриб юборишни хом хаёл қиладилар.

Лекин тоғдан шиддат билан оқаётган дарёни ўшшайган тошлар тўхтата олармиди? Мамлакатимизда демократик тамойиллар қадамма-қадам, босқичма-босқич илгарилаб бораётган экан, бунинг энг зарур омили бўлган тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш учун давлатимиз ҳамма чораларни кўради деб ишонамиз.

Айни пайтда Президентимиз Ўзбекистон телевидениеси учун берган махсус интервьюсида таъкидлаганидек, тинчлик учун ҳар биримиз ўз постимизда ҳушёр бўлмоғимиз даркор.

Мавлуда ИСМАТОВА,
Юнусобод туманидаги
273-лицей мактаб директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ҲУШЁРЛИККА УНДАЙДИ

Март ойининг охирги кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган хунрезликлар ҳали Наврўз кайфияти тарк этмаган кўнгилларни ларзага солди. Муқаддас динимиз бўлмиш ислом таълимотида бу дунёда қилинган заррача яхшилик ҳам, заррача ёмонлик ҳам жавобсиз қолмаслиги таъкидланади. Террор ҳеч қачон оқлаб бўлмайдиган қилмиш, аммо шунинг орқасидан кўплаб бегуноҳ одамларнинг ҳалок бўлиши террорчиларнинг айбини минг чандон оширади. Наҳотки буни ўша худкушлар билмаган бўлишса?

Узоқ йиллик ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб бир нарсани аниқ биламан: жиноятга жазо муқаррар. Террорчилар албатта жазосини олажак. Бироқ бу яқинларидан айрилган кишиларнинг кўнглига таскин бўлармикан? Бу савол барчамизни бирдай ҳушёрликка ундайди...

Рустам МУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

Қ А Р О Р И

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 2004 йил 29 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси
Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 март.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисида.

2. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

3. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

4. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

5. «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

6. «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

7. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкоралаштиришга (легаллаштиришга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

БИРДАМ БЎЛАЙЛИК

Пойтахтимизда ва Бухоро вилоятида бўлиб ўтган нохуш воқеалар бизни анча ҳушёр торттирди. Тинчлигимизни кўролмайдиган, унга раҳна солмоқчи бўлган кучларнинг хунрезликлари бизнинг «Конституция» маҳалласи аҳлини ҳам чуқур қайғуга солди.

Мени бир савол ўйлантираяпти. Бундай жиноятларни уюштираётганлар кимлар ўзи? Фарзандларимизнинг юзидаги шодликни, одамларимиздаги хотиржамликни, ҳаётимиздаги сокинликни ўғирлашга уларни нима мажбур этди? Наҳотки халқнинг тинчлигини бузиб, кўп оилаларни қон қақшатиб улар бахтга эришмоқчи бўлсалар!

Бўлиб ўтган воқеалардан кейин биз кўпни кўрган, оқ-қорани яхши англаб етадиган отахонлар билан биргаликда маҳалламиз аҳлини янада огоҳ бўлишга чақирдик. Террорчилик хуружларини амалга оширганлар албатта жазоланади деб ишонамиз.

Комилжон МУҲАММАДЁРОВ,
Яккасарой туманидаги «Конституция»
маҳалласи оқсоқоли

БИЗНИ ҚАЙҒУГА СОЛДИ

Тошкентда содир этилган террористик ҳаракатларни ўзбеклар билан бирга қорақалпоқ халқига ҳам қарши қаратилган хуруж деб ҳисоблаймиз. Ушбу хуружларда тинч аҳоли билан бирга бизнинг ҳамкасбларимиз ҳам ҳалок бўлгани бизни қайғуга солди.

Бу зулмдан бошқа нарса эмас. Зулмга қарши эса адолат туғи остида барча куч ва воситалар билан охиригача курашишга тайёрмиз.

Шундай кунларда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадри билинади. Энг муҳими фуқаролар, юртдошларимиз бу воқеалардан тегишли хулоса чиқаришлари лозим.

Тараққиёт сари дадил одимлаётган ўзбек халқини ўз танлаган йўлидан ҳеч қандай ёвуз кучлар қайтара олмайди.

Эркин РАЖАПОВ,
Амударё туман ИИБ бошлиғи

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

26 март куни Қашқадарё вилоят прокуратурасида «Ҳарбий хизматга тайёргарлик кўриш ва уни ўташ тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурорлик назоратини такомиллаштириш муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда ёшларимизни ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, чақирув комиссияларининг фаолиятини ривожлантириш ва ҳарбий касб нуфузини оширишнинг ютуқ ва муаммолари батафсил муҳокама этилди.

Анжуман якунида иштирокчиларнинг тавсиялари умумлаштирилиб, соҳага доир қонунларни такомиллаштириш ҳамда ёшларни ҳарбий хизматга чақиришнинг замон талабларига жавоб берадиган механизмини ишлаб чиқишга оид аниқ таклифлар билдирилди.

* * *

26 март куни Қашқадарё вилоят прокуратурасида Республика Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси билан ҳамкорликда «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки — одил судловни амалга ошириш кафолатларидан бири» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари прокурор-тергов ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, адвокатлар, суд ва адлия органларининг вакиллари қатнашишди.

Анжуманда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлашда прокуратура органларининг ўрни, судда давлат айбловини қувватлашдаги асосий камчиликлар, суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш жараёнида жиноят ишини ўрганиш методикаси, давлат айбловини қувватлаш жараёнида қўлланадиган тактик усуллар, тарафлар музокарасида прокурор нутқининг аҳамияти каби масалалар муҳокама қилинди.

FARMON VA IJRO

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан ўтказилаётган текширишларда кўплаб қонунбузарликлар аниқланаётир.

ЭНДИ ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Масалан, вилоятнинг айрим ҳудудларида пахта ва ғалла етиштириш кўзда тутилган майдонларга бошқа экинларни экиш одатий ҳолга айланган. Хусусан, ўтган йилда биргина Шеробод туманида оилавий пудратчи ва фермер хўжаликлари бошлиқлари томонидан 85,76 гектар ерда полиз ҳамда сабзавот маҳсулотлари етиштирилган.

Жорий йилда ҳам бу борада қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Олтинсой туманида ўзбошимчалик билан 41,5 гектар ерга карам, 3,40 гектар ерга пиёз ва 0,37 гектар ерга картошка экилгани аниқланди.

Экин майдонларини ғайриқонуний равишда фуқароларга томорқа учун бўлиб бераётган ҳотамтой амалдорлар ҳам йўқ эмас.

Музрабод туманидаги «Янгиобод» ширкат хўжалигининг 4-бўлими бошлиғи Ғ. Аллаёров ва хўжаликнинг ер тузувчи муҳандиси Й. Шукуровлар пахта экилиши лозим бўлган 7 гектар ерни талон-тарож қилишган.

Хўжаликларни минерал ўғит билан таъминлаш борасида ҳам камчиликлар кўп. Жумладан, 2003 йилда «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмасининг жойлардаги бўлимлари томонидан калийли минерал ўғит етказиб бериш режадагига нисбатан 59 фоизга бажарилган холос.

Бу йилги бошоқли дон ҳосили етиштириш учун талаб қилинган азотли ва фосфорли ўғитнинг 74-76 фоизи, калийли ўғитнинг 27 фоизи етказиб берилган. Пахтакорлар эса ҳозирга қадар атиги 946 тонна фосфорли минерал ўғит билан таъминланган. Бу эҳтиёжга нисбатан 6274 тонна камдир. Шу сабабли пахта майдонларини шудгордан олдин ушбу маъданли ўғит билан озиқлантириш имкони бўлмади.

Айрим туман ва хўжалик раҳбарлари ариқлар, хўжаликлараро зовурлар ҳамда ёпиқ горизонтал дренажларни ўз вақтида тозалаш чораларини кўришмаган. Бу эса ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига олиб келган. Охир-оқибатда Музрабод туманида 31 минг 970 гектар, Шеробод туманида 28 минг 400 гектар, Қизириқ туманида 19 минг 270 гектар, Бандихон туманида 7 минг 840 гектар, Ангор туманида 7 минг 680 гектар ва Термиз туманида 7 минг 300 гектар экин майдонлари шўрлаб кетган.

Шуни айтиш жоизки, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида шартнома мажбуриятларини бажариш, ўзаро ҳисоб-китоб ва тўлов интизомига оид қонунлар ижроси бутунлай қониқарсиз аҳволда. Бу борада айниқса, «Сурхонпахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси тизимида кўплаб қўпол қонунбузилишлар содир этилмоқда.

Бирлашма корхоналари томонидан ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликларига етказиб берилган пахта учун тегишли маблағларни узоқ муддат тўламай келиш оддий ҳолга айланган. Вилоят прокуратураси томонидан ана шундай масъулиятсизлик оқибатида пайдо бўлган қарздорликни камайтириш мақсадида 2003 йилда вилоят хўжалик судига умумий қиймати 1 миллиард 105 миллион 616 минг сўмлик 160 та даъво аризаси киритилди.

Текширишларда тизимнинг бир қатор корхоналарида 2000 йил пахта мавсуми даврида қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолчиликларга йўл қўйилгани ҳам фош этилди. Масалан, «Қизириқпахта» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Гулистон» пахта қабул қилиш пункти мудири Ж.Сатторов ва товаршунос А.Холмуродовлар 431 тонна пахта хом ашёсини қўшиб ёзишган.

«Сариосиёпахта» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Р.Ражабов ва бошқалар томонидан мансаб сохтакорлигига йўл қўйилиб, жами 41 миллион 725 минг сўмлик пахта толаси, 27 миллион 957 минг сўмлик пахта чигити талон-тарож қилинган.

Қумқўрғон туманидаги «Турон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Х.Улуғназаров эса ўз жиноий шериклари билан биргаликда 2002 йил пахта ҳосилини қўшиб ёзиш йўли билан жамиятга 160 миллион 500 минг сўмлик зарар етказган.

Бундай муросасозликнинг замирида қандай сир бор? Нега бундай салбий ҳолатларнинг олди олинмаяпти? Эндиликда прокуратура органларидан ушбу йўналишдаги фаолиятни кучайтириш талаб этилмоқда.

Ердан мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари яроқсиз ҳолатга келиб қолишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши каби масалалар бўйича доимий назорат ўрнатиш ва бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муҳимдир.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«HUQUQ» мухбири

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

29 март куни Республика Бош прокуратурасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят прокуратураларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари билан «Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни таъминлашда прокурор назоратининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида ўқув машғулотлари ўтказилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва ушбу Фармон асосида қабул қилинган Бош прокурорнинг 2004 йил 18 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғи ижросига қаратилган чора-тадбирларнинг усул ва услублари янги ташкил этилган бўлим ходимларига атрофлича шарҳлаб берилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Бегалиев, Ўзбекистон бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти директори, иқтисод фанлари доктори, академик Р.Ҳусанов, акциядорлик тижорат «Пахта банк» бошқаруви раиси К.Тошматов, Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Э.Қурбонов, «Ўзкимёсаноат» ДАК бошқаруви раиси Г.Ибрагимов, Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари ва бошқа мутасадди идораларнинг мутахассислари Президент Фармони ҳамда Бош прокурор буйруғи ижросини муваффақиятли таъминлаш ҳақида маъруза қилдилар ва йиғилиш иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари П.Бобожонов бошқарди.

Республика Бош прокуратурасининг матбуот хизмати.
А.ТЎРАЕВ олган суратлар.

QILMISH - QIDIRMISH

«ОЛМОС-БОБ»ДАГИ ОЛҒИР

Неъматжон Хидиров анойилардан эмас. Суяги далада қотган, умрининг асосий қисмини деҳқончиликка бағишлаган. Пахта етиштиришу ер билан тиллашишда унча-мунча агрономни ортда қолдиради.

Туман ҳокими унинг худди шу томонларини ҳисобга олиб, «Дўстлик» ширкат хўжалиги ҳудудида «Олмос-Боб» фермер хўжалиги ташкил этиш, Неъматжонни эса унга раҳбар этиб тайинлаш ҳақида ҳеч иккиланмай қарор чиқарди. 28,2 гектар майдон ҳам ажратиб берилди. Лекин, озгина билимсизлик барибир панд берди. Фермер хўжалиги раиси ҳужжат юритишда қийналарди. Чунки нима кўп, қоғоз кўп. Шу кезларда Неъматжоннинг таниши, хўжалик аъзоси Рустам Шарипов унга холисона ёрдамлашарди.

Одамнинг оласи ичида дейишади. Рустам ҳужжатларга кўз югуртираркан, тақдир уни Неъматжоннинг ўрнига қўйиб қўймаганидан ўксинди. Кейин эса... ўзини ўнглади. Нега хафа бўлиш керак, фермер хўжалиги раҳбарлигини эгаллаб олса ҳам унга биров «ғинг» демайди. Хидировнинг ўзи илтимос қилган, деса олам гулистон.

Аввалига ёрдам берган бўлса, кейинчалик огоҳлантиришга ўтди. Рустам икки гапнинг бирида бошлиқнинг энсасини қотирарди: «Сал чалғисанг тамом, керакли жойда жавоб берасан». Содда Неъматжон бу гапларга ишонди. Ортиқча югур-югурсиз Р. Шарипов бир юмалаб, «Олмос-Боб»нинг бошқарувчисига айланди. У Н.Хидиров вазифасидан озод этилмай, фермер хўжалиги таъсисчиларининг йиғилиш қарорини чиқариб, ўзбошимчалик билан ўзини-ўзи бошқарувчи этиб тайинлади.

Агар у бу фирибгарликларни «Олмос-Боб»нинг равнақи, тараққиёти учун амалга оширса бир нав эди. Йўқ, Рустам ишни чўнтак қаппайтиришдан бошлади. Етти нафар ҳамқишлоқларига 10,6 гектар ерни бир мавсумга фойдаланиш учун бериб, улар тўлаган 3 млн.дан ортиқ сўм пулни шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборди.

Муҳр ва штамп қўлида бўлганидан кейин Р.Шарипов учун бойишнинг ҳамма йўллари очиқ эди. «Миллий банк»нинг Поп филиали ходимлари унинг найрангу устамонлигини фидойиликка йўйишди. Ўтган йилнинг 31 март, 25 апрель ва 16 май кунлари чек дафтарчасининг учта варағига Н.Хидиров ва ўз отаси Комилжон Шарипов (у ҳам хўжалик аъзоси)ларнинг имзоларини қалбакилаштириб жами 580 минг сўм, шунингдек, 18 июнда ўзининг имзоси билан 250 минг сўм пулларни олиб жиғилдонига уради. Лекин, андак «инсоф» қилибми, ҳарқалай 100 минг сўмни ишчиларга маош сифатида тарқатади.

Ҳаммаси у ўйлагандек кетаётган эди. Шундай экан, бошқа томонларини ҳам «кемираверса» бўлади. Нима, бу билан хўжалик ночорлашиб қолармиди? Р.Шариповнинг жиғилдони шунчалик чуқурлашиб кетган эдики 500 литр бензин, 1300 литр дизель ёнилғисини, шунингдек, туман «Қишлоқхўжаликкимё» ташкилотидан олинган 7750 кг. «карбомид» минерал ўғитини ҳам ҳотамтойларча ўз «мурид»ларига ҳадя этиб юборди.

Кўза кунида синиб, Рустамнинг «Олмос-Боб»га келтирган зарари 4 млн. 500 минг сўмдан ортибди. Вақтида унинг қилмишлари очилди. Фақатгина пахта экилиши лозим бўлган майдонларга қовун, тарвуз, маккажўхори кабиларни экиб, охир-оқибат алданганликларини билган жабрланувчилар текширувга келган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда туман прокуратураси вакилларига ҳақиқатни ошкор этишди. Ўз манфаати йўлида ерларни хоҳлаганча сотиб юборавергани йиғит суднинг қора курсисига ўтирди.

Жаҳонгир КАРИМОВ,
Поп туман прокуратурасининг катта терговчиси

QING`IR ISHNING QIYIG`I

ВАЛЮТАФУРУШЛАР

Пулни пулга алмаштириб, ундан ноқонуний даромад қилиш, яъни содда қилиб айтганда валютафурушлик қачон ва ким томонидан «кашф қилинганлиги» маълум эмас. Лекин бундайлар орамизда ҳалиям борлиги ҳам сир эмас. Валюта қимматликларини эркин айирбошлаш шаҳобчалари ишлаб турган бир пайтда ҳам валюта «қора бозори» бутқул барҳам топмаяпти. Ачинарлиси, валюта алмаштириш шаҳобчаларига келган фуқаролар била туриб шу атрофда ўралашиб юрган «валютафурушлар»нинг жиноий фаолиятига шерик бўлиб, аксари ҳолларда эса чув тушишмоқда.

«Чилонзор буюм бозори»да Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бошқармаси тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар чоғида аниқланган қонунбузарликлар бунга мисол бўлиши мумкин.

Масалан, вақтинча ишсиз бўлган фуқаролар Икромбек Қурбонов ва Одилжон Абдуназаровлар ўзаро жиноий тил бириктириб, ноқонуний тарзда «валютафурушлик»ни амалга ошириб келишган. Ўтган йилнинг 14 октябрида улар фуқаро Г.Мустафоевдан 2500 АҚШ долларини 2.445.000 сўмга сотиб олган вақтида ушланган. Дастлабки терговда И.Қурбонов ва О.Абдуназаровларнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг тегишли банди билан талқин қилиниб, судга оширилди.

Аммо Амнистия тўғрисидаги фармон уларнинг жонига оро кирди. Суд жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни мақсадга мувофиқ деб топди. 2.445.000 сўм пул давлат фойдасига мусодара қилинди. Амнистиядан ўзига хулоса чиқара олиш ҳам оқиллик аломати.

Нодиржон исмли ҳамшаҳримиз ҳам бирим икки, турмушим фаровон бўлсин деб юрганлардан. Лекин у кўп қатори борига қаноат қилишни ўзига эп кўрмади. 5800 АҚШ долларини фуқаро А.Шариповага ноқонуний равишда сотаётганида Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚБ ходимлари томонидан ушланди.

Суд Н.Алиевга жазо тайинлашда қилмишидан пушаймонлиги, оилавий аҳволи ҳамда иш бўйича бошқа ҳолатларни инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш ва тузатиш мумкин деб ҳисоблади, унга жарима жазосини қўллашни маъқул топди. Шундай қилиб, Н.Алиевга 1 миллион 88 минг сўм жарима жазоси тайинланди, 5800 АҚШ доллари эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

Албатта, Нодиржон 5800 долларни осонлик билан топмаган эди. Хорижда ишлаб келди, дўстидан қарз кўтарди, мақсади уй-жойини яхшиламоқчи эди. Агар қонунбузарлик содир этмаганида ҳаммаси бошқача бўлар эди.

А.ТУРДИЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

TADBIR

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ЭЪТИБОР

Наманган вилояти прокуратурасида идораларо кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

А.МАДАТОВ,
«HUQUQ» мухбири

Мактублар, шикоятлар, жавоблар

РАҚАМ

Чоршанбадан чоршанбагача таҳририят муштарийлардан 38 та мактуб олди.

● *Мададталаб мактуб*

ИМКОНИ БОРМИКАН?

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари!

Сизларга икки йилдан бери мени қайнаб келаётган масала ҳақида ёзаяпман. 2002-2003 ўқув йилида Фарғона Давлат университети иқтисодиёт факультетининг кундузги бўлимига шартнома асосида қабул қилиндим. Ота-онам 1994 йилда вафот этганлиги, моддий аҳволимиз яхши эмаслиги сабабли «таълим кредити» олиш мақсадида уч-тўртта банкка мурожаат қилдим. Фойдаси бўлмади. Кредит олишда ота-онасиз болаларга маҳалла фуқаролар йиғинидан кафиллик берилиши белгилаб қўйилганига қарамай банклар бу нарсани кескин рад этиб келишмоқда. Бизга ўхшаш ота-онасиз ёшларга ҳам кредит олиш насиб қилармикан?

Кўплаб кишиларнинг муаммосини ҳал қилиб бераётган «Huquq» таҳририятидан менга ҳам кредит олишда ёрдам беришини илтимос қиламан.

Даврон МАМАЗОИТОВ,
Марҳамат тумани «Пахтакор» жамоа хўжалиги

● *Мулоҳаза*

ИЙМОНЛИ ИНСОН

Мен «Huquq»ни севиб ўқийман. Ундаги мақола, маслаҳатлар қатори инсонни меҳр-шафқатга чорловчи суд очеркларинг бериб борилиши айни муддао. Ҳар чоршанба куни атайлаб газета дўконига бориб келаман. Чунки кечроқ қолсам сотувга бериладиган икки донагина газетадан қуруқ қоламан. Таъсирли мақолаларни ўқиб, мушоҳада қилиб, дўстларимга ҳам бериб тураман. «Huquq»нинг 2004 йил 10 март кунги сони ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди. Термиз шаҳар прокурори Самижон Омонниёзовнинг «Қисмат» номли суд очеркини ўқиб ёқа ушладим. Наҳотки орамизда мол-дунё деб шунчалик тубанлашиб кетган одамлар бўлса? Бировнинг ҳақидан қўрқмай, ёлғон-яшиқларни рўкач қилишса? Иймон-эътиқод қаерда қолди? Яхшиямки орамизда Зебо опага ўхшаган яхшилар кўп. Бозор бошида қаерга боришини билмай, карахт юрган қизга меҳр кўрсатиб, уйига етаклаб келган оқила аёлнинг қалбидаги туғён ўзи билан фақат Аллоҳга аён бўлгандир. Латиш қизи Лимани болалари қатори ювиб-тараб, фамилиясига ўтказиб, ўзбекона тарбиялаб турмушга узатгунга қадар Зебо опа оғиз очиб нолигани ёки таъна қилганини бировнинг эшитган эмас.

Етимликда катта бўлган Лима Жўрақулга турмушга чиқди-ю, худо унга битмас-туганмас давлат берди. Икки фарзандли бўлди. Бир кам дунё деганларидек, Сурхондарё вилоятида катта лавозимда ишловчи Жўрақулни қўша-қўша иморату машиналар гангитиб қўйди. Саёқ юриш уни жиноят йўлига бошлади. Бойлик талашиб Лиманинг қотилига айланди. Ҳаром бойлик ҳеч кимга буюрмаганидек, ўроқда йўқ, машоқда йўқ сохта меросхўрлар охир-оқибат лаб тишлаб қолавердилар.

Мақолани қайта-қайта ўқиб қаттиқ таъсирландим. Бойлик илинжида бир-бирининг устига мағзава ағдараётган «меросхўр»лар Лиманинг Ситора ва Ислом исмли фарзандлари борлигини яхши билишардику? Иймонли инсон ҳеч қачон бойлик деб виждонини сотмайди, аксинча Зебо опадек икки норасидани яна тарбиясига олиб, оқ ювиб оқ тарайди.

Ушбу мактуб орқали ёгу биродарларим, кўп сонли ихлосмандлар номидан таҳририятга, муаллифга мазмунли мақола учун миннатдорчилик билдираман.

А.РУСТАМОВ,
Сайхунобод туманидаги ҳунар-техника коллежи ходими

● *Жавоб*

«ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР ЭМАСМИ?»

«HUQUQ», 2003 йил 38-сон

Мазкур мақола Ўзбекистон Олий хўжалик суди томонидан ўрганиб чиқилди.

«Мафтуна» фермер хўжалигининг «Т.Шодиева» ширкат хўжалигидан 104.500.000 сўмни ундириш тўғрисидаги ҳамда «Т.Шодиева» ширкат хўжалигининг «Мафтуна» фермер хўжалиги билан 1999 йил 23 мартда тузилган 48 га. боғни ижарага бериш тўғрисидаги шартномани бекор қилиш ва ерни қайтариб олиш ҳақидаги даъво аризасига асосан қўзғатилган хўжалик ишлари Олий хўжалик суди томонидан Хўжалик процессуал кодексининг 26-моддасига асосан Наманган ва Фарғона вилоят хўжалик судларидан олиб қўйилиб, биринчи инстанция бўйича иш юритувига қабул қилинган.

Олий хўжалик судининг 2004 йил 16 январдаги ҳал қилув қарори билан фермер хўжалигининг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, ширкат хўжалигидан фермер хўжалиги фойдасига 9.960.010 сўм асосий қарз ундирилган. Даъвонинг қолган қисми рад этилган. «Т.Шодиева» ширкат хўжалигининг қарши даъвоси тўлиқ қаноатлантирилган. «Т.Шодиева» ширкат хўжалиги ва «Мафтуна» фермер хўжалиги ўртасида 1999 йил 23 мартда тузилган 48 га. ерни ижарага бериш тўғрисидаги 3-шартнома бекор қилинган. Юқоридаги шартномага асосан фермер хўжалиги ижарага олган 40 га. узумзор, 7 га. шафтолизор, 1 га. бодомзор ширкат хўжалигига олиб берилган.

Ш.РЎЗИНАЗАРОВ,
Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари

ДАЪВО ЎРГАНИЛМОҚДА

Навоий вилоят прокуратураси томонидан К.Бекмуродовнинг аризаси кўриб чиқилди.

Аниқланишича, К.Бекмуродов раҳбарлик қилаётган «Жаҳон» фирмаси билан фуқаро С.Бозоров ўртасида ем маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 2002 йил 8 августда шартнома тузилган. Унга асосан С.Бозоров «Жаҳон» фирмасидан 9 млн. сўмлик ем олган бўлса-да, 3.300.000 сўмини тўлаб, 5.700.000 сўмини тўламай келган.

Қизилтепа туман прокуратураси томонидан ушбу ҳолат бўйича 2003 йил 23 декабр куни Фуқаролик кодексининг 985-моддаси ва Фуқаролик-процессуал кодексининг 5- ва 46-моддалари тартибида фуқаролик ишлари бўйича Навоий туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилинган.

Бу ҳақда аризачига ёзма равишда маълум қилинди.

Б.ШОМИРЗАЕВ,
Навоий вилояти прокурори

ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

Янгиқўрғон туман прокуратураси «Нанай» қишоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Унсуной Қозоқова ва бошқаларнинг «Нанай» ширкат хўжалидаги ноқонуний ишлар ҳақидаги аризаси юзасидан қўйидагиларни маълум қиламиз.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг ҳудудий комиссияси рухсати билан, шунингдек, туман прокуратурасининг 2003 йил 1-ярим йиллик иш режасининг 4-бандига асосан аризада кўрсатилган ҳолатлар бўйича ширкат хўжалигида текшириш ўтказилган. «Нанай» ширкат хўжалигининг собиқ раиси Н.Акбаров, бош агроном С.Сатторов ва ер тузиш муҳандиси В.Бойчаевлар статистик ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузганлиги сабабли МЖТКнинг 215-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилганлар. Бундан ташқари, вазифасини лозим даражада бажармаган хўжалик ҳуқуқшуноси Б.Иззатуллаев ва раис муовини Ж.Маннаповлар интизомий жавобгарликка тортилган.

Бу ҳақда аризачиларга ёзма равишда маълум қилинган.

Б.ТУРСУНҚУЛОВ,
Янгиқўрғон тумани прокурори

Хат таҳрирсиз босилмоқда

«ДАРАКЧИ»ГА ИШОНИБ БЎЛАДИМИ?

Хатимнинг мазмуни шундан иборатки, менинг ўғлим Турсунов Рустамни қамаб қўйишди. Сабабларини батафсил айтиб ўтирмайман, ҳозир гап бунда эмас. Ўғлимнинг суди бўлмасдан туриб «Даракчи» газетасининг 2004 йил 29 январь кунги сонида Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази ходими Самариддин Халиловнинг «Қўшоғиз милтиқ билан...» деган катта бир мақоласи чоп қилинди. Ўғлимнинг айби йўқ эмас, лекин бўлиб ўтган воқеа мақолада нотўғри тасвирланган, ўғлимга туҳмат қилинган. Аризамга ўша мақолани илова қилиб жўнатаяпман. Уни ўқиб ўзингиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Биламан, «Даракчи»нинг мухлиси кўп. Ўзим ҳам жуда қизиқиб ўқир эдим. Энди эса газетадан кўнглим совиб кетди. Мақоладаги жуда кўп фактлар нотўғри, тўқиб ёзилган. Инсоннинг бошқа бир инсонни, майли у жиноятчи бўлса ҳам, қилмаган ишини қилди деб, «вахший» қиёфасида тасвирлаши адолатдан эмас. Менимча ҳеч кимга бирон иш бўйича суд бўлмасдан туриб инсонни қоралаш ҳуқуқи берилмаган. Ушбу мақола юзасидан «Даракчи» газетаси таҳририяти ва муаллифдан изоҳ талаб қиламан.

Худойберди ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Сойбўйи» даҳаси, 34-уй

«БИР КЕЛИБ-КЕТИНГ ҚИШЛОҒИМИЗГА»

«Huquq», 2004 йил 6-сон

Мақола мутасадди корхона ва ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирокида жойига чиқиб ўрганилди.

Ҳақиқатан ҳам Шароф Рашидов тумани Темур Малик номли хўжаликда ичимлик суви муаммоси мавжуд. Ҳаво ҳарорати пасайган пайтларда газ босими тушиб кетади, электр энергияси таъминотида узилишлар бўлган. Ўз навбатида текширишда аҳолининг коммунал тўловлардан қарздорлиги ҳам аниқланган.

Ҳозирги кунда «Сирдарё электр тармоқлари» корхонаси томонидан хўжаликдаги шикастланган электр ускуналари таъмирланиб, аҳолига электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаши кераклиги тушунтирилди. Электр энергиясидан фойдаланиш борасидаги чеклашлар камайтирилди. «Сирдарёгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси ҳамда «Сувоқава» вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан аҳолини етарли даражада табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Қайд этилган камчиликларнинг бартараф этилишини вилоят ҳокимлиги назоратга олган.

Б.ТЎРАБЕКОВ,
Сирдарё вилоят ҳокимининг ўринбосари

ТАСКИН

Жоним синглим, жон синглим,
Юрак бағри қон синглим,
Эр ҳам бир султон синглим,
Бир марта гапдан қолинг.

Сапчиманг ўзинга,
Тик қараманг кўзинга,
Инсоф берсин ўзинга,
Бир марта гапдан қолинг.

Болам унсин десангиз,
Гапга кўнсин десангиз,
Уйим тинсин десангиз,
Бир марта гапдан қолинг.

Бойлик, мерос ўткинчи,
Турфа либос ўткинчи,
Ёшлик, пардоз ўткинчи,
Бир марта гапдан қолинг.

Ким ғурбатга ўч бўлар,
Балоларга дуч бўлар,
Кейин жуда кеч бўлар,
Бир марта гапдан қолинг.

Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
Жиззах вилояти

● *Газетхон илҳоми*

АЖОЙИБСАН, БАҲОРИМ!

Баҳор келди. Дилларни ажиб ҳиссиётлар оғушига олувчи палла. Мен баҳорни «беминнат яхшилик фасли» деб атагим келади. Чунки унинг ҳар қадами қувончу шодликка тўла, шу билан у инсонларга яхшилик ва меҳр улашади. Негадир, ҳар доим кўкламда кўнглим кўтаринки бўлади. Табиат инсонни ўз бағрига чорлайди, мафтункорлигини кўз-кўз қилади. Қиш бўйи қовоғини солиб тургандай бўлган дов-дарахтлар табассум билан куртак очишади. Ёзга чиқиб кўпроқ ҳосил бериш учун беллашаётгандек бир-биридан ўтаман деб гуллайди. Шундай гуллайдики, устига қалин қор ёққан-у, шохларини қоплаб олгандек. Ранглар уйғунлашади. Асаларилар шошиб қолишган, гўёки ҳозир гуллардан болни териб олишмаса ёзда атиргул-у, номозшомгуллар чиқмайдигандек. Қушлар кўнса табиат ўзгаришини кўролмай қоладигандек тинмай парвоз қилишади. Ҳатто бетўхтов ёғадиган ёмғирнинг ҳам ўзгача гўзаллиги бор. Жумлаи жаҳонни озода қилиб, шу билан баҳор чиройига озгина бўлса-да ҳиссасини қўшишга интилади. Навбаҳорнинг иссиқ нафаси инсонларга ҳам ўзгача таъсир қилади. Кўтаринки кайфият янги режалар, янги орзулар сари бошлайди. Ишга иштиёқи ошади. Шу боис бўлса керак, баҳорни ёшариш ва уйғониш фасли деб атаймиз. Илоҳим, йил бўйи ҳеч кимни баҳорий кайфият тарк этмасин.

Шаҳноза УМАРОВА,
Юнусобод туманидаги 260-мактаб ўқувчиси

2004 YIL – MEHR VA MURUVVAT YILI

Мўъжазгина маҳаллага бир зумда яхши бир хабар тарқалди:
— Ҳусанбай муаллим тўнғич ўғлини уйлантирармиш, яқинда тўй... Орадан бир йилча ўтиб, баҳорнинг қалдирғочлари чуғури билан тўла чарағон кунларида яна бир «набирали бўлибдилар» деган хушхабарни эшитиб қоламиз.
То кун ва тун занжири узилмас экан, инсон боласи яхшиликка, эзгуликка интилиб яшаши, бу йўлда курашиб чиниқиши бор гап. Ўша занжирнинг «кун» деб аталмиш бўлакларидан бирида маҳалладошлардан кимдир гап орасида «Ҳусанбой муаллим ҳам элликкка кирибди-я» деб қўшиб қўйди. Очиғи, орамизда элга кўп ва хўп тўй берган, қўша-қўша набирали бўлган, умрининг эллигинчи баҳорини нишонлаганларнинг саноғи йўқ. Лекин Ширин шаҳридаги 4-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири Ҳусанбой ака Сулаймонов умр дафтари саҳифаларидан кўчирма олса арзигулик сатрлар бисёр.

Гулистон шаҳрига яқин «Оқолтин» қишлоғида яшовчи бир неча ака-ука йиғилишиб, ўзаро маслаҳатни бошлашди. Бу ердан анчагина олисда яшовчи, алоҳида қаровга муҳтож қарияларга ким ёрдам беради? Бир кам дунё деганларидай дунёдан бефарзанд ўтаётган, оталик, оналик орзуси кўнглида армон бўлиб қолаётган бу инсонларнинг дардига ким малҳам бўла олади? Бу ака-укаларнинг барчаси уйли-жойли, оилали, фарзандли бўлишганлиги боис, олисдаги шароити оғир манзилга кўчиб бориш кўп томонлама мушкуллик келтиради. Йилнинг тенг ярмида водийдан эсадиган бешафқат шамол ҳукмронлик қиладиган, энг оддий турмуш шароитлари ҳам бўлмаган қариялар яшайдиган қишлоққа кўчиб бориш — билиб туриб ўзини сургун қилиш билан баробар эди. Лекин кўнглида яхшилик деб аталмиш зиёга жой ажрата олган ака-укалар ўзаро қўрҳа ташлашга қарор қилишди. Қоғозчаларга «борадi», «бормайди» қабилида ёзишиб, идишга солишди. Идишдаги «борадi» деган ёзувли қоғоз бўлакчаси Ҳусанбой аканинг бармоқларига илиниб чиқди. Шу тахлит тақдирга бўйсунган ҳолда Ҳусанбой муаллим ҳозирги Ширин шаҳри яқинидаги Нуробод маҳалласига кўчиб келди. У вақтлар бу мўъжазгина қишлоқда «пешво»-ларнинг сонда, саноғида ҳам йўқ бир манзил, шаҳар десанг шаҳар эмас, қишлоқ десанг қишлоқ эмас — ораликдаги бир макон эди. Шу сабабмикан бу маҳалланi Россия замонида қурилган темир йўл бекати номи билан «59-разъезд» деб аташарди.

1982 йилнинг қиши анчагина қорли-қировли келди. Аммо не ажабки, бу қиш касалликдан ётиб қолган момо, қарилик бостириб келаётган бўлса-да, унга тан бермаётган бобо хонадонига ўзгача илиқлик олиб келди. Фарзандликни чинакам зиммасига олган Ҳусанбойнинг елиб югуришлари, набиралар чуғури, оёқ-қўли чаққонгина келиннинг меҳрибончиликлари ушбу ҳовлига ҳам, зимистонга қўшилиб бораётган кўнгилларга ҳам ёруғлик келтирди. Шу тахлит кунлар ўтаверди, ўтаверди. Кунларнинг бирида маҳалладошлар орасида миш-миш тарқалди:

— Хоразмда, Муяссар табиб деганлари фалажни, ланжни, не даркор бўлса даволаётганмиш...

Икки оёғи фалаж бўлиб ётиб қолган момони кўрсатмаган жойи, сўратмаган дўхтири қолмаган Ҳусанбойнинг умиди шу жонга боғланди. Улар табиб излаб, даво умидида қандай бориб келганлигини билмадиг-у, кунларнинг бирида шу маҳаллада яшовчи, уларга ҳамроҳ бўлган мўътабар онамизнинг суҳбатида бу ҳақда эшитганимиз бор.

— Баъзи оналарнинг ўз фарзанди ҳам бунчалик меҳрибон бўлмас. Қўлида кўтариб, ортига опичиб, сув деса сув, туз деса туз, ҳаммасини муҳайё қилиб, олиб бориб келди онасини. Ҳусанбойга минг раҳмат...

Дунё меҳмонхона деганлари рост экан. Кимдир келар экан, кимдир кетар экан. Худонинг бу тахлит марҳаматидан мингданминг рози бўлган ҳолда дунёдан кўз юмган бобо ва момонинг ҳам қабрларини яшил майсалар қоплади. Тўнғич фарзанд эса остонадан хатлаганда бошини эгиб ўтадиган бўлди. Ҳусан муаллим илк бор кўчиб келганида эккан тераклар дўппингни отсанг ҳам етиб бормас бўлиб бўй чўзди. Кўп ўтмай атаб солинган янги иморатга иззат-икром билан келин кириб келди. Ҳар саҳар эгилиб салом берадиган келин, йиғисидан момоси ташвишга тушиб қоладиган чақалоқ-набира, отасининг касбини олиб муаллимлар даргоҳига шошадиган навниҳол қиз — ҳамма-ҳаммаси Ҳусанбой аканинг кундалик турмушига айланди.

Эрта тонгдан кечгача мактаб, таълим-тарбия ташвишлари билан банд бўлиш эндиликда ўттиз йиллик ҳаётга айланди. Умрининг катта қисмини эгаллаган шу касб, унга эъзоз, обрў келтиргани бор гап. Камтарлиги боис биров билиб, биров билмайдиган унвонлару мукофотларни келинойимиз сандиқнинг тубига ташлаб қўйган. Сўраб-сўраб билганимиз, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» унвони, «Халқ таълими фидойиси» нишонлари бўлди. Эҳтимол энг катта унвон халқнинг эъзозидир. Шогирдлар ҳар куни унга салом беришганида, қаерга бормасин қўлидан юкини олиб, ташвишини енгиллатганида ўзига ўзи «меҳнатнинг ҳақиқий қадри, яхшилик ва эзгуликнинг меваси эҳтимол шу эмасмикан» деб сўраб қўяди.

М.АБДУРАҲМОНОВ,
«HUQUQ» муҳбири

FARZANDLARI SOG`LOM YURT

СПОРТДА СИР КЎП ЭКАН

Жиззах вилоятида ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан ёшларни билимли, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялашга, уларнинг мазмунли дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.
Комиссиялар масъул котибларининг касб-маҳоратини ошириш бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳар ойнинг охирги шанба куни прокуратура, ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда семинарлар ўтказилаяпти.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялари томонидан 2003 йил давомида вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси юзасидан 153 маротаба текшириш ўтказилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан вояга етмаганларнинг тарбиясини назорат қилиш, тарбияси оғир, профилактик ҳисобга олинган ўсмирларга туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари, корхона, ташкилот раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинларининг раислари масъул этиб бириктирилди. Бугунги кунда 200 нафар вояга етмаганларнинг иш ёки ўқиши билан боғлиқ муаммолари жойида ҳал қилинди.

Вояга етмаганлар ўртасида, жиноятчилик, гиёҳвандлик ва турли ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар корхона, ташкилотлари билан ҳамкорликда 2003 йил мобайнида 53 маротаба меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Натижада 918 нафар ёш ишга жойлаштирилди, 204 нафари касбга йўналтирилди ҳамда 163 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Ёш авлодни ҳуқуқий билимини ошириш ва вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимлари билан вояга етмаган ёшлар, уларнинг ота-оналари, педагоглар жамоаси ўртасида «Сиз қонунни биласизми?», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Конституциямиз бахтимиз пойдевори», «Фақат қонун устивор» каби мавзуларда кўплаб учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Вилоятдаги барча фуқаролар йиғинларида вояга етмаганлар ишлари бўйича жамоатчилик кенгашлари самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Маънавият ва маърифат кенгашининг вилоят бўлими шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда «Вояга етмаган ёшлар ўртасида қонунбузарликларнинг юзага келиш сабаблари», «Ёшлар ва дин», «Мустақиллик ёшлар тақдирида», «Китоб — эзгулик манбаи», «Биз қандай жамият қурмоқдамиз», «Элни Ватан манфаати бирлаштиради», «Ёшлар ва қонун», «Диний экстремизмга қарши кураш», «Соғлом оила — соғлом она ва бола», «Ҳаётга тайёрмисан қизгина», «Оила ва аёл» каби мавзуларда кўплаб суҳбатлар ва йиғинлар ташкил этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими томонидан ўтган йилда ана шу каби мавзуларда давра суҳбатлар, спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ёшларни спортнинг техник ва ҳарбий амалий турларига кўпроқ жалб қилиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш учун Паҳтакор, Мирзачўл, Ғаллаорол ва Дўстлик туманларида «Пневматик қуролдан ўқ отиш», «Ҳарбий касб маҳорати», «Варрак учириш» бўйича мусобақалар ўтказилди.

2003 йил 28 март куни вилоят ҳокимининг «Вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт турлари бўйича федерациялар фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан спорт федерациялари, ассоциациялари ва клубларининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун ҳомий ташкилотлар бириктирилди.

Бугунги кунда «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти, «Диномо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг спорт-техника клублари мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Теннис, футбол ва боксни ривожлантириш жамғармалари, 7 та соғломлаштириш клублари, 21 та спорт клублари ва 16 та спорт федерациялари ҳамда 12 та «Ватанпарвар» спорт-техника клублари ҳам ўзларида минглаб ёшларни бирлаштириб турибди. Вилоят ёшлари мавжуд 187 та спорт зали, 451 та футбол, 381 та баскетбол, 663 та валейбол, 314 та қўл тўпи, 29 та корт, 5 та стадион, 3 та сув ҳавзалари ва бошқа спорт майдонларида спортнинг турли турлари билан доимий равишда шуғулланмоқдалар. Ўтган йилда вилоят спортчилари халқаро ва республика миқёсидаги мусобақаларида қатнашиб, бир нафар спортчимиз «Халқаро тоифадаги спорт устаси», олти нафар спортчи «Спорт устаси» талабларини бажардилар.

Жиззахлик ёш спортчилар халқаро мусобақаларда 19 олтин, 17 та кумуш, 32 та бронза медалларни, республика мусобақаларида 68 та олтин, 58 та кумуш, 92 та бронза медалларни қўлга киритишди.

Вилоятда 38 та мактабдан ташқари таълим муассасалари жумладан, 15 та болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази, 3 та ёш техниклар ижодий маркази, 2 та экология ва ёш табиатшунослар маркази, 1 та ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази ҳамда 17 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, вояга етмаганларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни бўш вақтларини ташкил этиш, бандлигини таъминлаш, соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг доимий назоратига олинган.

С.ТЎЙЧИЕВА,
Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари

ЗАФАР ҚУЧИБ ҚАЙТИШДИ

Америкада бўлиб ўтган «Атланта — 2004» мусобақаларида ёш каратэчиларимиз муваффақиятли иштирок этиб қайтишди.

Болалар ўртасида бўлиб ўтган ушбу нуфузли мусобақада Германия, Россия, Канада, Миср каби жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган 300 нафар ёш каратэчилар иштирок этишди. Шоҳрух Сафаров, Феруздек Тўраев, Асамжон Икромов, Рустамжон Рўзиев, Наргиза Тоштемирова, Аъзамжон Мирзаҳмедов сингари ёш спортчиларимиз маҳорат кўрсатиб ғолиблик шоҳсупасига чиқишди. Умумжамоа ҳисобида эса вакилларимиз иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Суратда: юртимиз спортчиларни кутиб олиш маросимидан лавҳа.

TAHLIL

Кўпгина ривожланган ва ривожланаётган давлатларга оид ахборотлардан иқтисодий жиноятчилик уларнинг иқтисодиётига бевосита ва билвосита таъсир этаётганлигини билиб оламиз. Бозор иқтисодиётини эндигина модернизациялаштираётган мустақил давлатларда эса талончилик, ўзлаштириш, ўғрилик каби шаклларда юз берадиган жиноятлар кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқариши тайин. Қуйида иқтисодий жиноятчиликнинг аҳволи ҳақида Сирдарё вилояти мисолида эътиборга молик маълумотлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИГА ТАЖОВУЗ

Иқтисодий жиноятлар — миллий иқтисодий, унинг тармоқлари ва соҳаларига зиён етказадиган ёки зиён етказиш мумкин бўлган жиноят қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишдан иборат. Мулкчилик шакллари ўзгариши билан иқтисодиётга қарши жиноятлар тушунчаси ҳам кенгайтирилди. Жиноят кодексининг 164-моддасидан 192-моддасигача ана шундай жиноятлар мажмуи белгилаб қўйилган.

2003 йилда Сирдарё вилоят прокуратура органлари томонидан жами 689 та шахсга нисбатан 495 та жиноят иши айблов хулосалари билан судларга юборилган бўлиб, шундан 297 та жиноят иши ёки жами жиноят ишларининг 60 фоизини иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари ташкил қилган. Таққослаш учун қизиқ бир маълумот: бундан ўн-ўн беш йил муқаддам иқтисодий жиноятчилик жами жиноятлар салмоғининг 20 фоизигача қисмини ташкил этарди, холос. Юқорида кўрсатилган иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларидан ташқари 107 нафар шахсга нисбатан 78 та мансабдорлик жиноят ишлари ҳам тугатилиб судга юборилган. Бу жиноятлар ҳам асосан иқтисодиёт, яъни банк тизими ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиш, совуққонлик ва порахўрлик жиноятларидир. Вилоятда ўтган йилда содир этилган иқтисодий жиноятлардаги жавобгар 473 нафар мансабдор шахснинг улушини қуйидаги статистик маълумотдан билиб олиш мумкин:



(95%) **441 нафар корхона ва идоралар мансабдор шахслари.**
(1,9%) **8 нафар ҳокимият идоралари мансабдор шахслари.**
(1,3%) **6 нафар давлат солиқ идоралари мансабдор шахслари.**
(0,9%) **4 нафар ички ишлар идоралари мансабдор шахслари.**
(3,1%) **вилоят миқёсидаги корхона ва идоралар мансабдор шахслари.**

Маълумотлардан кўриниб турибди-ки, иқтисодий жиноятлар асосан корхона ва муассасаларнинг масъул шахслари томонидан содир этилган. Ушбу жиноятлар оқибатида давлатга, бошқа мулкдорларга жами 1.576.436.000 (бир миллиард беш юз етмиш олти миллион тўрт юз ўттиз олти минг) сўм моддий зарар етказилган бўлиб, шундан 1.240.117 минг сўм, яъни 78,6 фоиз зарар тергов жараёнида айбланувчилардан мулк эгалари фойдасига ундирилган.

Прокуратура идоралари 2003 йилда тергов қилган иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларининг 223 тасини ёки 75 фоизини Жиноят кодексининг 167-моддасида кўрсатилган ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари ташкил этади. Жами 347 нафар шахс томонидан содир этилган бу жиноятларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли.

Хўш, Сирдарё вилоятида талон-тарож жиноятлари асосан қайси объектларда содир этилган? Таҳлиллар шуни кўрсатади-ки, 2003 йилдаги шу турдаги жиноятлар асосан тўртта асосий соҳа — «Донмаҳсулотлари», «Пахтасаноат» тизимлари ҳамда ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари базалари, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий базалари ҳиссасига тўғри келади.

Прокуратура идораларининг қатъияти туфайли ушбу соҳалардаги объектларнинг ҳар қайсида ўнлаб жиноят ишлари тергов қилинди. Юздан ошиқ мансабдор ва мулкий жавобгар шахслар жавобгарликка тортилди. Ҳар бир жиноят иши бўйича ушбу соҳаларнинг вилоят раҳбарларига кадрлар танлашда жиддий хатоларни, жиноятлар содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида тақдимномалар киритилди. Афсуски, 2004 йилнинг бошидаги таҳлиллар кўрилган чоралар етарли эмаслигини кўрсатмоқда. «Гулистондон» ҳиссадорлик жамиятининг мансабдор шахслари А.Худоёров, Ш.Хидиров, Б.Хидиров ва бошқалар жами 381 млн. 561 минг сўмлик донни ўзлаштириб, талон-тарож қилганлар. «Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамиятининг мансабдор шахслари Д.Ҳақназаров, М.Каримов ва бошқалар жами 1.364.965 минг сўмлик ғаллани бугдой чиқиндиси сифатида талон-тарож қилганлар. «Сирдарёпахтасаноат» ҳиссадорлик бирлашмаси масъул шахслари томонидан 200 тонна пахта толаси ва 937 тонна линт маҳсулотларини хусусий фирмаларга олдиндан тўловсиз бериб юборилгани боис жуда катта иқтисодий зарар етказилган.

Ўтган 2003 йилда вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» тизимида талон-тарожга оид ўнтадан ортиқ жиноят ишлари қўзғатилганлиги, ҳудудий бошқарма бошлиғи А.Абдусаломов жавобгарликка тортилганлигига қарамай, бу соҳадаги талон-тарожлар тўхтамаяпти. Янгиер шаҳар минерал ўғит базаси омбор мудири Баҳодир Ниёзметов ва бошқа шахслар жами ўн беш тонна селитра минерал ўғитини талон-тарож қилиб «КаМАЗ» юк машинаси орқали қўшни Тожикистонга ўтказмоқчи бўлганида қўлга олинган.

Иқтисодиётга оид жиноятларни тергов қилишда, асосий эътибор ушбу жиноятлар оқибатида давлат, нодавлат идораларига етказилган зарарларни тергов жараёнида ундиришга қаратилган. Жумладан «Бургут» ИЧФ раҳбари М.Багян ва вилоят мукаммал қурилиш бошқармаси бошлиғи К.Маҳмудовлар 2001 йилда 87 млн. сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилишган. Тергов жараёнида етказилган зарарнинг 78 млн. сўми натура ҳисобида ундирилган.

Маълумки, кейинги йилларда республикамизда кадрларни тарбиялаш, уларга етарли шарт-шароит яратиб бериш мақсадида катта ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий шароитларга эга бўлган касб-ҳунар коллежлари, спорт иншоотларини қуриб бериш, уларни капитал таъмирдан чиқариш учун катта маблағлар ажратилаётганлиги маълум. Бу соҳага масъул бўлган айрим тоифадаги шахслар бундай эътибордан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уринишаётганликлари текширишлар жараёнида аниқланди. 2003 йилда қурилиш соҳасида 16 та жиноят ишлари қўзғатилиб, етказилган зарарни қоплаш чоралари таъминланган.

Жумладан, «2-сонли Сирдарё вилоят қурилиш» ОТХЖнинг раиси С.Қодирқулов ва бошқалар Ш.Рашидов туманидаги «Пахтаобод» коллежини таъмирлашда, аслида бажарилмаган 7,5 млн. сўмлик иш ҳажмини қўшиб ёзганликлари ҳолати юзасидан жиноят иши бўйича етказилган зарар тергов жараёнида тўлиқ қопланган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибди-ки, иқтисодий жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш, бу йўналишда жамоатчиликнинг кўмагидан фойдаланиш зарур.

А.МУСТАФОҚУЛОВ,
«HUQUQ» мухбири

MUNOSABAT

Бозорнинг ҳам ўзгармас қонун-қоидалари бор. Улардан асосийси, талаб ва таклифдир. Айнан мана шу икки омил туфайли бозор муносабатлари тартибга солинади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланади. Талаб ва таклифнинг қандай бўлиши эса кўп жиҳатдан истеъмолчиларнинг хоҳишига боғлиқ.
Бугунги кун истеъмолчиси билан эса бундан ўн йил илгариги истеъмолчи ўртасида анчайин жиддий фарқ бор.
Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақола муаллифларини ҳам бугунги куннинг, таъбир жоиз бўлса куюнчак ва талабчан истеъмолчиларидан деб билиш мумкин.

РЕКЛАМАМИ, ЖУМБОҚМИ?

Реклама — бизнеснинг двигатели, дейишади. Ҳақиқатда бу галда жон бор. Маҳсулотингизнинг бозори чаққон бўлса, ишингиз беш, молиявий аҳволингиз яхши бўлади. Аксинча, маҳсулотнинг сотилмаслиги, омборларда туриб қолиши эса касодга учрашингиздан дарак бераётган аломатдан бошқа нарса эмас. Демак, фақаттина сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билангина бошқа рақобатчилардан ўзиб кетиб бўлмайди. Тайёр товарни сотиш учун ҳам кўп тер тўкиш керак бўлади. Бундай паллада эса ишлаб чиқарувчининг жонига ора кирувчи, бизнесини харакатга келтирувчи нарса рекламадир.

Хуллас, рекламаларнинг яхши жиҳатлари хусусида кўп гапириш мумкин. Масалан, 2-3 дақиқа давом этадиган чиройли роликни кўрсангиз ҳам дилингиз яйрайди, кайфиятингиз кўтарилади.

Рекламалар асосан оммавий ахборот воситалари орқали берилишини кўпчилик яхши билади. Газета, журнал саҳифаларида, ТВ каналларида реклама бериш одатий ҳолга айланган. Рекламаларнинг берилиши яхши, агар уларнинг сифатини яхшилаш хусусида бош қотирилса янада яхши бўларди.

Пойтахтимизнинг «Ўриқзор» бозорига кираверишда баҳайбат-баҳайбат реклама платнолари ўрнатиб қўйилган. Улардан бирида «Bigi Boom» сақичи реклама қилинган. Энди унда ёзилган сўзларга эътибор қаратинг: «Bigi Boom — жвачкани додаси!».

«Ўриқзор» бозорига баъзи-баъзида борганимда, ушбу рекламани кўриб энсам қотарди. Энди эса деярли ҳар куни «жвачкани додаси!» деган сўзларга кўзим тушаяпти. Сабаби, ўша баҳайбат платнонинг кичрайтирилган нусхалари метро вагонларига ҳам кўчибди. Бозорга тушсангиз, ўрта мактабни «сиртдан» аранг битирган олиб-сотарларнинг молларини шу тарзда мақтаб таърифлашларини эшитардингиз. Бу сўзлар қоғозга кўчибдими, ҳадемай «Изоҳли луғат»имизга киритилса ҳам ажабмас.

Кечки овқатланиш учун дастурхон ёзган маҳалингиз тўрт-беш номдаги печеньелар кетма-кет реклама қилинаётган «Ёшлар» каналида чакаклари ич-ичига ботиб кетган бир аёл чиқиб иштаҳангизни бўғиб кетади. Нима эмиш, «ШЎРВА ДЕМАНГ, «ГАЛИНА БЛАНКА» ДЕНГ», «ЭНДИ ТОВУҒИ ҲАМ КЎПРОҚ», «ШЎРВА ДЕМАНГ, «ГАЛИНА БЛАНКА» ДЕНГ». Ё тавба, шу жажжигина қутичанинг «товуғи кўп бўлса».

Ҳозир Тошкент кўчаларига чиқсангиз ҳар қадамда «BU SOVUN EMAS» деган сўзлар битилган «DOVE» атир совунининг рекламасини кўрасиз. Қизиқ, шу сўзлар битилмаса, одамлар уни ҳолва деб ўйлаб еб қўярмиди? Ёки бу нима экан, деб бош қашиб қолишармиди? «BU SOVUN EMAS» бўлса, унда нима? Бу рекламами ёки жумбоқ?

Хуллас, бу рекламалар бизга нимани ўргатаяпти. Шўрвани «Галина Бланка» дейишни, совунни совун деб атамасликними?!

«Ёшлар» телеканалида яна бир реклама ролиги пайдо бўлди. Тасвир фонида жаранглаган овозга қараганда «Ulker»дан мутлақо янгилик!». Қараб турсангиз, ушбу фирма томонидан ишлаб чиқарилган «Terema» деган маргарин реклама қилинаяпти. Унинг ёғи кўплиги, ундан овқат қилиш мумкинлиги бир гала одамларга тушунтирилади. Охирида эса телевизорингизнинг бутун экрани бўйлаб «САРИЁҒ ЛАЗЗАТ ЭГИЗАГИ» деган сўзлар пайдо бўлади. Бу нима деганг, бу билан нима дейилаяпти? Наҳотки, реклама туфайли ўзбек тили шунчалар «саваланиб», чалажон қилиб ташланса?!

Биламиз, рекламадаги факт ва рақамлар учун реклама берувчи масъул. Лекин бу дегани она тилимизни оёқости қилиш дегани эмас-ку! Телевидениедагилар, пойтахт ҳокимиятидагилар шу нарсани билишармикан?

О.НАҲАНОВ,
талаба

ДАҚИҚАГА АЙЛАНГАН СОНИЯЛАР

Бугун Ўзбекистон уяли алоқа бозори жадал ривожланиб бормоқда. «Uzdunrobita», «Daewoo-Unitel», «Coscom» ва бошқа бир қанча компанияларнинг хизматидан мамлакатимиз аҳолиси фойдаланиб келаяпти. Мазкур компаниялар томонидан мижозларга қундан-кун мобил алоқасининг янги-янги хизматлари таклиф этилмоқда. Албатта, уяли алоқанинг афзалликлари хусусида узоқ гапириш мумкин. Лекин мени уяли алоқа билан боғлиқ бошқа бир масала ўйлантириб келади.

Мен анча йилдан бери мобил хизмати кўрсатувчи «Coscom» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасининг абонентиман. Нафсиламрини айтганда, компания хизматидан, мижозларга кўрсатилаётган қулайликлардан мамнунман. Шу билан бирга кўнглим ранжийдаган томонлари ҳам бор. Назаримда, мен қаламга олаётган муаммо уяли алоқа хизматидан фойдаланувчиларнинг кўпчилигини ҳам ўйлантириб келаётган бўлса керак. Гап шундаки, мижозларнинг сўзлашув вақти ҳисобланганда, тўлиқ бўлмаган дақиқа ҳам бир дақиқа сифатида қайд этилади. Масалан, таниш-лорингиздан бири Сизга қўнғироқ қилиб, «Буюртмангиз тайёр бўлди, келиб олиб кетсангиз», деди. Қисқа саломлашуву, юқоридаги гаплар билан қўшиб ҳисоблаганда ушбу мулоқот вақти тахминан 10-15 секундни ташкил этади. Лекин Сиз 10-15 секундлик сўзлашув учун ҳам компанияга 1 дақиқа учун ҳақ тўлашга мажбурсиз.

Бизни ажаблантиргани, бу турдаги бошқа компанияларда («Перфектум-Мобайл»дан ташқари. Фақат ушбу компания секундлик таърифи бўйича ишлайди) ҳам шундай тартиб мавжуд. Лекин мижоз, жайдари қилиб айтганда нима учун емаган сомсага ҳақ тўлаши керак? Дейлик, у 10 секунд гаплашган бўлсин, энди нима сабабдан у мутлақ гаплашмаган 50 секунд учун ҳам ҳақ тўлаши шарт?! Ахир, бу истеъмолчи ҳуқуқининг бузилиши эмасми? Қолаверса, уяли компаниялар кўрсатилмаган 50 сониялик сўзлашувларни 1 дақиқага айлантириб мўмай даромад олмаяптиларми?

Бу масалага истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш идоралари муносабат билдиришар, балки.

И.РАШИДОВ,
тадбиркор, Тошкент шаҳри

JINOYAT VA JAZO

Қимматга тушган «сафар»

Мирзо ҲАМДАМОВ,
Шайхонтохур туман прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

Охирги пайтларда хомуш юрган Собирнинг (исмлар ўзгартирилган) уйга хурсанд ҳолда кириб келганини кўрган отаси Эргаш ака таажжубини яшира олмади:

— Ҳа, ўғлим, тинчликми?

— Бўлди дада, иш топдим. Бекор юриш ҳам жонга тегиб кетди-ку!

— Нима иш экан?

— Ҳозирча билмадим? Боя оғайним Амирқул бор-ку, ўшани кўриб қолдим. Чет элга бориб ишлашни таклиф қилиб қолди. Насиб қилса янги йил омадли келадими, дейман.

— Қаерга экан?

— Унисиниям билмайман. Амирқулнинг гапига қараганда, битта оғайнисининг Тошкентдаги фирмада ишлайдиган таниши бор экан. Агар хўп десангиз, эртага ўша одамнинг олдига бориб келсак...

Эртаси куни Амирқул Собирни Абдумалик исмли оғайниси билан учраштиргач, янги танишлар пойтахтга йўл олишди.

Зафар уларни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Олдин танишиб олсак, менинг исмим Зафар. Сизники-чи?

— Собир.

— Жуда яхши, Собиржон. Хўш, демак гап бундай! Кеннойингиз фуқароларни чет элда ишлашга юбориш билан шуғулланадиган Москвадаги фирмада ишлайди. Агарда янглишмасам улар ҳозир Англияга одам юбориш билан шуғулланишмоқда. Хоҳласангиз гаплашиб кўраман.

— Яхши бўларди, Зафар ака. Фақат... харажати қанақа бўларкин?

— Кеннойингиз айтгандек бўлувди, янглишмасам 400 минг атрофида бўладиёв. Ҳозир ўзи Москвада. Келаси ҳафта келиб қолса керак. Агар қарорингиз қатъий бўлса ҳамда менга ишонсангиз «аванс» ташлаб кетишингиз мумкин. Айтиб қўяй, бундай ҳолларда фирмамиз «уступка»га ҳам боради.

Ишнинг бунчалик тез битишини кутмаган Собир ўйланиб қолди. Миясининг тезлигида ишлар, ичида ўзига ўзи «Омад ўз оёғи билан келиб турибди-ку. Бундай имконият яна бўладими, йўқми? Нима қилиш керак?» дер, бунинг устига Зафар ўзини тутиши-ю, расмий муомала қилиши билан аллақачон унинг ишончини қозона олган эди. Собир ўйлай-ўйлай, охири Зафарга юзланди:

— Зафар ака, бўлмаса мен уйга бориб, уйдагилар билан маслаҳатлашиб кўрай, майлими? Икки-уч кундан кейин жавобини айтаман.

Орадан уч кунлар ўтгач Собир отаси Эргаш ака билан Зафарнинг уйига кириб келди. Салом-аликдан кейин Эргаш ака муддаога кўчди:

— Аммо-чи, ўғлимни чет элга юборсангиз сиздан жуда миннатдор бўлар эдим-да. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Ҳозирги кунда топиш-тутишнинг ўзи бўлмай қолди. Зора сизнинг ёрдамингиз билан беш-ўн сўм ишлаб келса.

— Гап йўқ, ака. Одамдан одамга нима қолади, яхшилик қолади. Ўзингиз яхши биласиз, ҳозирги кунда ким кўп, «мошенник» кўп. Ҳаммага ҳам ишониб бўлмайди. Бизнинг фирмага бўлса бемалол ишонишингиз мумкин.

— Шунисидан одам чўчийди-да. Айтганча, анув куни Собирга харажат ҳақида гапириб, «уступка» ҳам бор дебсиз.

—Ҳа, албатта, шундай деган эдим. Сабаби, келинингиз ишлайдиган фирмадагилар мижозларнинг шароитини ҳам эътиборга олади. Дейлик, Англияга бориш учун 4000 «кўки»дан керак бўлса, шунинг ярми шу ерда тўланади. Қолганини, ишлаб топган пулидан берса ҳам бўлади.

— Мана шунисига қойил қолдим. Бўлмасам-чи, — Эргаш ака қўлидаги пакетни Зафарга узатди:

— Ҳозирча мана буни олиб турсангиз! Бу ерда 500 минг сўм.

Зафар ундан пакетни энди олиб бўлувди ҳамки, Собир чўнтак кавлади.

— Шошманг, Зафар ака, ҳозир, — у шундай дея ёнидан бир дона юз долларлик чиқарди. — Буниям қўшиб қўйинг. Ҳарна, қутулганим.

— Албатта, тўппа-тўғри ўйлабсиз, Собиржон. Бўлмасам бундай қилсак, сиз-чи, келаси ҳафтада бир хабар олиб кўрасизми? Унгача кеннойингиз ҳам келиб қолса керак. Ўшанда ҳаммасини бафуржа ҳал қилиб оламиз. Айтганча, агарда хорижда ишлаб келиш ниятида юрган танишларингиз бўлса, бемалол, ёрдам берамиз.

Ушбу воқеадан бирор ҳафта ўтгач, Эргаш ака эски таниши Моҳирани учратиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашишди. Гап орасида Моҳира топиш-тутишнинг кундан-кунга қийинлашиб кетаётганлигидан нолиб қолди.

— Э-э, шу ҳам «проблема»ми? Мен яқинда бир одам билан танишдим. Ишлаш учун чет элга юборадиган фирмада ишлар экан. Ўғлимни гаплашиб келдим. Агар хоҳласангиз манзилини беришим мумкин.

— Вой, умрингиздан барака топинг, илойим. Ишончли одамми, ишқилиб?

— Ишончли бўлмаганда сизга айтиб ўтирмасдим. Менга маъқул бўлган томони харажатни ярмини тўласангиз бўлди экан. Қолганини ишлаб топганингиздан кейин ҳам берсангиз бўлар экан...

Хуллас, Моҳира Зафарнинг манзилини олди-ю, уйига жўнади. Эрига бўлган гапни етказгач, Зафарникига бориш учун рухсат сўради. Эри бироз ўйланиб турди-да, «Менга барибир, хоҳласанг мен ҳам сен билан ўша одамникига боришим мумкин» деб жавоб берди. Эртаси куни уларнинг эшигини ҳамшаҳарлари Дўсмат тақиллатиб келди. Маълум бўлишича, у ҳам Эргаш акадан хорижда ишнинг дарагини эшитган бўлиб, агар йўқ, дейишмаса, улар билан бирга Зафарникига боришини маълум қилди. Узоқ сафарга таниш ҳамроҳ билан чиқиш кимга ёқмайди. Эр-хотин унинг таклифини бажонидил қабул қилишди.

2003 йилнинг 24 январь куни Дўсмат эр-хотин билан бирга Зафарникига кириб келди. Улар мезбонга ўзларини ким юборганини айтиб, мақсадларини баён қилишди.

— Гап бўлиши мумкин эмас! Эргаш ака хотинимни Москвадаги фирмада ишлашини айтган бўлса керак. Хўш, сизларни қайси давлат қизиқтиради? — жиддий сўради Зафар.

— Қаерга бориш мумкин?

— Эргаш аканинг ўғлини Англияга тўғриладик. Сизлар озгина кеч қолдинглар. Ҳозир фақатгина Корея қолди. Харажати ҳам нисбатан арзон. Бор-йўғи уч минг доллар, холос. Айтганча, биз мижозларга қулайлик ҳам яратамиз. Уч мингдан ярмини шу ерда тўлайсизлар. Қолганини Кореяга бориб, ишлаб, пул топганинглардан кейин тўлашинглар мумкин.

— Пулини қачон тўлашимиз керак?

— Қанча тез бўлса шунча яхши. Сизларга маслаҳатим, пулидан қочманглар. Худо ол қулим, деб юборса-чи, бир-икки йилда кетгазган харажатингларни бир неча баробар қайтариб оласизлар.

— Ҳужжатларни расмийлаштириш тез бўлармикан? Ундан ташқари ҳозир ёнимизда бунча пул йўқ-да! — суҳбатга қўшилди Моҳира.

— Сизларга ҳозиргина айтдимку, қанча тез бўлса шунча яхши деб. Агар Тошкентга ҳадеб келиб-кетаверишга қийналсанглар, ўзим бориб пулни олиб келишим мумкин. Нима дейсизлар?

Мижозларнинг ўйланиб қолишганини кўрган Зафар шоша-пиша гапини давом эттирди:

— Менга қолса, ҳамма ишни тез битирганимиз яхши эди. Ҳали ҳужжатларни тайёрлашимиз керак. Унга қанча вақт кетади. Шунинг учун менда таклиф бор. Агар рози бўлсанглар мен ҳам сизлар билан бориб, пулни олиб келаман.

Ишнинг бунчалик тез битишини кутмаган «мижоз»лар хурсанд бўлиб, дарров рози бўлишди. Кўп ўтмай улар Зафар билан биргаликда йўлга тушишди. Уйга етиб келгач, Дўсмат олдиндан тайёргарлик кўрган бўлса керак, зумда 600 доллар келтириб берди. Моҳиранинг бўлса уйида нақд пули йўқ, шекилли, уни анча куттириб қўйди. Бир вақт у ҳам «мана қарзга топиб келдим» дея 1400 долларни Зафарнинг қўлига тутқазди. Ўйнаётган роли янада ишончли чиқиши учун Зафар, ҳужжатларни расмийлаштириш баҳонасида уларнинг паспортларини ҳам сўраб олди-ю, 2000 «кўки»ни чўнтагига уриб, Тошкентга жўнади. Бу орада Зафарнинг хотини Дилбар ҳам Москвадан қайтди.

— Мана Дилбархон, сиз Москвада юргунингизча биз буёкда сизга «клиент» топиб қўйдик.

— Қанақа «клиент»?

— Қанақа бўларди, чет элга-де! Бир эмас, уч киши. Биттасига Англияни, қолганларига Кореяни ваъда қилиб юбордим.

— Вой, «маладе-ец», боплабсизку!

— Буниси ҳали ҳолва, улардан 2100 доллар билан юз минг сўм «аванс» ҳам олиб қўйганман...

Орадан бир ҳафта ўтмасдан Собир кириб келди. Зафар уни дарҳол хотини билан таништирди:

— Мана, танишиб қўйинг, бу йигит Собиржон, Англияга бормоқчилар.

— Жуда яхши. Зафар ака менга сиз тўғрингизда айтувдилар. Насиб қилса сизни албатта Англияга жўнатамиз. Мен фақат фирмамиз Москвада жойлашганлиги боис улар билан маслаҳатлашиб олай. Майлими?

Собирдан тасдиқ ишорасини олишгандан сўнг, эр-хотин уни кузатиб қўйишди.

Зафар Моҳираларникига бориб келганидан кейин бир ойлар чамаси ўтгач, пулнинг қолганини олиш мақсадида уларникига йўл олди. Бу сафар у Дўсматдан яна 600 доллар, Моҳирадан эса 100 доллар ундирди. Шундан сўнг Собир уларникига яна бир неча бор келиб-кетди. Охири Дилбар уни ўзи билан Москвага олиб кетадиган бўлди. Уларни кузатиш учун аэропортга чиққан Эргаш ака Моҳиранинг талаби билан билет учун яна 400 минг сўм берди. Шу билан Собир Москвага жўнади. Аммо, Москвадан ҳеч қаёққа чиқа олмади. Орада Дилбар ундан яна 800 доллар ундиришга муваффақ бўлди. Икки ойча вақт шу зайлда ўтгач, ноилож Тошкентга қайтди. Зафар бўлса шундан кейин уларга қорасини ҳам кўрсатмади. Қаҳрамонларимиз бўлса, унинг уйига қатнаб чарчашди. Охири бундай қатновлардан ҳафсаласи пир бўлган Эргаш ака туман ИИБга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судида эр-хотиннинг қилмиши кўриб чиқилди. Суд Дилбарни Амнистияга асосан жазодан озод қилди. Зафар эса етти йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташқари, улардан юқорида келтирилган миқдордаги маблағ даъвогарларга ундириладиган бўлди.

JINOYATGA JAZO MUQARRAR

Қонга бўялган кўйлак

«Дўстлик» каналидан топилган мурда ҳақидаги овоза Гулистон аҳлини сескантириб юборди. Қотиллик белгилари бўлган номаълум жасаднинг шахсини аниқлаш учун республика бўйлаб тезкор хабарномалар юборилди. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ходимлари оёққа турди. Нихоят, калаванинг учи топилди. Бугун панжара ортида уч навқирон йигит М.Ҳошимов, С.Муҳаммедов, О. Маҳаметовлар бошларини ҳам қилиб ўтиришибди. Улар қотилликда айбланишаяпти...

Саидакбар билан Отабек ака-уканинг фарзандлари, яъни амакиваччалар. Уларнинг қони бирлиги чин экан, 20 га кирибкирмай жиноятга қўл уриб, «судланган» деган тамғани олдилар. Амнистия туфайли жазодан қутилиб кўзлари очилмаган экан, осон пул топиш йўлини қидириб қолдилар. Отабек Саидакбарни Гулистон шаҳар, Дўстлик қўрғонида яшовчи таниши Маҳмудникига бошлаб келди.

— Гап йўқ, — деди Маҳмуд чинозлик йигитларнинг муддаосини эшитгач. — Бирорта пули, тилласи кўп одамни олиб келсаларинг ўзим тинчитаман. Бойликни эса учаламиз тенг бўлиб оламиз.

Бу таклифга йигитлар бажону дил рози бўлишди.

— Машинаси бор одам ҳам бўлаверадими? — деб сўради Отабек кейинчалик тушунмовчилик бўлмасин дея.

— Бўлади, — деди Маҳмуд гапни қисқа қилиб.

Гапни бир жойга қўйиб олишгач, тарқалишди. Саидакбар билан Отабек тўғри Янгийўл шаҳрига келишди. Шаҳар деҳқон бозори олдида киракашлик қилиб турганлар кўп эди. Саидакбар кўк рангли «Дамас» ҳайдовчисига учрашди.

— Ака, Гулистонга бориб келиш керак. Хотинимни ургандим, ота-онасиникига кетиб қолибди. Илтимос, бир яхшилик қилинг, бориб олиб келайлик, — дея бирпасда баҳона тўқиб ташлади.

Ҳайдовчи рози бўлди. Йўлкира борасида бироз тортишиб, ниҳоят 25 минг сўмга келишишди. Сўнг ҳайдовчи уйига кириб хотинига Гулистонга кетаётганини айтиб, хавотирланмаслигини тайинлади. Ҳайдовчи ўзини Собирхон деб таништирди. Табиатан содда Собирхон шубҳали хаёлларга бормай Гулистонга йўл олди.

Кеч соат тўққиз яримларда улар Маҳмуднинг уйига етиб келдилар. Отабек уйга кириб Маҳмудни чақириб чиқаркан, уни обдон пишитди:

— Хотини аразлаб кетган, олиб келайлик, деб баҳона қилдик. Саидакбар билан «куёв» деб сўрашинг, яна ҳайдовчи шубҳаланиб юрмасин.

Маҳмуд ҳам артистликни жойига қўйиб, «ҳа, куёв, келдингизми», дея Саидакбар томон қучоқ очиб борди. «Қайноға» — «куёв» кўришишгач, Саидакбар «хотини»ни сўради.

— Дугонасиникига кетгани, келиб қолар, — деди Маҳмуд.

Улар кўчада ярим соат туришди ҳамки, «хотин»дан дарак бўлмади. Кутавериб «тоқати тоқ бўлган» куёв:

— Келмаяпти-ку, бориб олиб келайлик, — деди «қайноға»сига.

Маҳмуд хотини ғингшиётганини баҳона қилиб, бирга боришдан бош тортди. «Негадир оёғим тортмаяпти, шу ишни бошқа кунга қолдирайлик. Канал бўйлаб борсаларинг маҳалла бор, ҳайдовчини адаштириб, меникига қочиб келинглар» деди у йигитларга.

Йигитлар Маҳмуд айтган йўлдан боришди, аммо боши берк кўчага кириб қолганлари учун қайтиб келишди. Маҳмуд йўлни қайтадан тушунтираётганида улар пичоқ сўрашди.

— Пичоқни нима қиласизлар? — деди Маҳмуд.

— Э, сиз қўрққанингиздан кейин ўзимиз тинчитиб қўя қоламиз-да, — дейишди иккала шоввоз.

Маҳмуд уйга кириб пичоқ ва бир «баклашка» сув олиб чиқди. Отабек пичоқни олиб Саидакбарга берди. Ўзи ҳайдовчининг ортидаги ўриндиққа ўтириб, яна канал бўйлаб шаршара томонга юришди. Канал бўйидаги уйлар тугагач, овлоқ ерда машинани тўхтатишди. Машинанинг олд ўриндиғида ўтирган Саидакбар ҳайдовчининг қорни, кўкраги ва бўйни аралаш пичоқ ураверди. Собирхоннинг кўйлаги бир зумда қонга бўялди...

У ҳолсизланиб қолгач, орқа ўриндиққа олишди. Сўнг ўриндиқнинг қон теккан бўлагини қирқиб олиб каналга улоқтиришди. Машинани канал қирғоғидан оқимга қарши 200 метрлар ҳайдаб боришгач, мурдани ҳам каналга ташлаб юборишди.

Бегуноҳ инсоннинг жони эвазига қўлга киритилган «Дамас»ни эса Чинозга олиб келиб бўлаклаб сота бошлашди. Аммо «бойиш» уларга насиб этмади. Уларнинг қилмишлари уч ойга ҳам бормай фош бўлди.

Қотиллар қилмишларига яраша жазосини олишди. Аммо бевақт хазон бўлган йигитнинг рафиқаси, фарзанд доғида куяётган онаизору яқинларининг аламлари ўрнини боса олармикин?

Соҳиба ҲАЙИТБОЕВА,
Сирдарё вилояти

SUHBAT

ЎЗБЕК КИНОСИНИНГ ИМКОНИЯТИ

ЁХУД БИЗГА «ОСКАР» КЕРАКМИ?

Голливуд киноларини қизикиш билан томоша киламиз. Ўзимиздаги хар бир нарсани чет элники билан солиштириш одатини фильмларга нисбатан хам кўллаб кўрамиз. Кўпчиликнинг жавоби бир хил: нега бизда хам яхши фильмларни суратга олишмайди? Бунинг сабабини эса хамма турлича изохлайди. Бугунги кунда мамлакатимизда асосан комедия ва мусикали жанрда фильмлар кўпрок суратга олинаяпти. Аммо уларнинг сифати кай даражада?

Келинг, бу саволга жавоб беришдан аввал фильмдаги сифат нимада кўринишини аниклаб олайлик. Агар сифатни фильмни кўришга келаётган томошабинлар сони билан ўлчайдиган бўлсак, унда энг «сифатли» фильмлар бизда дейиш мумкин. Ёки сифатни фильмларда профессионал актёрлар ўрнига бу сохадан етти кўча нарида бўлган хонанда-ю кизикчи ва хоказоларнинг суратга тушиши билан изохлайдиган бўлсак-чи? Унда нега бизнинг замонавий фильмларимизга халигача «Оскар» мукофотини беришмаяпти?..

Афсуски, беришмайди хам. Сабаби, бугун суратга олинаётган, айникса хомийлар ёрдамида хусусий студиялар томонидан ишланаётган фильмларнинг аксарияти сифатсиз. Маълумки, сифат томошабин сони билан ўлчанмайди. Томошабин юкорида назарда тутилган «фильм»ларга бекор вактини бироз бўлса-да чиройлирок ўтказиш максадида боради. Бундан-да ачинарлиси, у бунга пул хам тўлайди. Ха, айтмокчи, «сифат»ли фильм ижодкорларининг максади хам шу, яъни пул. Шу сабабли улар «Оскар» ёки бошка мукофот хакида хали ўйлаб кўрмаган бўлса керак. «Замонавий актёр»лар (хонанда, кизикчи ва хоказо)га келсак, кинода суратга тушишга берилиб асл касбларини унутиб кўймасалар бўлгани эди. Унакада биз нафакат чинакам актёрларни, балки шу билан бирга хонанда ва кизикчиларни хам йўкотиб кўйишимиз мумкин.

Бу масалага, ўзбек киносининг бугунги ахволи хакидаги саволга ойдинлик киритиш максадида мутахассисга мурожаат килдик. Сухбатдошим — киношунос, филология фанлари доктори, профессор Хамидулла АКБАРОВ билан хорижий журналистика факультетида учрашдик. Хамидулла ака сухбатни аудиторияда, талабалар иштирокида ўтказишни таклиф килди. Кўйидаги сухбатимиз талабалар учун ўзига хос дарс бўлгани аник.

— Ўзбек киноси 100 йиллик тарихга эга. Бу кичкина муддат эмас. Ўтган вакт мобайнида ўзбек киноси тараккиётидаги паст-баланд даврлар хакида фикрингизни билмокчийдик.

— 2003 йилда биринчи ўзбек фильми яратилганига 100 йил тўлди. Биз хужжатларни ўрганиб чикканимизда шу нарса маълум бўлдики, 1903 йилнинг баҳорида Худойберган Девонов биринчи ўзбек фильмини суратга олган. Бу Марказий Осиёдаги илк фильм эди. Худойберган Девонов Огаҳийлар даврида яшаб ўтгани учун шу каби алломаларнинг турмуш тарзи, ўша давр анъаналари ҳақида фильмлар ишлашга ҳаракат қилган. Бироқ кейинроқ шўролар тузуми даврига келиб у ҳам кўпчилик ижодкорлар қатори тазйиққа учрайди. Охирокибат уни қатл этишади. Шу ўринда Худойберган Девоновнинг сафдоши Сулаймон Хўжаев ҳақида ҳам гапириб ўтишни жоиз деб биламан. Биз яқинда талабаларга Сулаймон Хўжаев суратга олган «Тонг олдидан» фильмини кўрсатдик. Фильм уларда чуқур таассурот қолдирди. Мазкур кинофильм 1934 йилда илк марта катта экранда намойиш этилиб, шундан сўнг уни кўрсатиш ман қилинган. Сценарий муаллифи ва режиссёр шўролар томонидан отиб ташланган. У пайтларда ижод қилиш жуда қийин бўлган. Масалан, ўзбек киносида дурдона асарлари билан из қолдирган Наби Ғаниев ҳам жуда мушкул муаммоларга дуч келиб, «Тоҳир ва Зуҳра» сингари ажойиб фильмларни томошабинга тақдим этган. Бугунги кунда эса мустақиллик киночиларга ҳам улкан имконият берди. Ҳозир ижодкорларимиз долзарб мавзулар, ранг-баранг сценарийлар асосида фильм яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, шўролар даврида Амир Темур ҳақида фильм олишга кўп марта ҳаракат қилинган, лекин Москвадан рухсат тегмаган. Латиф Файзиев «Самарқанднома» сценарийси билан бир неча марта Москвага бориб келди. Лекин фильмда бош қаҳрамон Амир Темур бўлгани учун рухсат берилмади. Мана, мустақилликка эришганимиздан сўнг соҳибқирон ҳақида уч серияли кинофильм ва унинг олти серияли телевизион варианти суратга олиниб, бир неча марта намойиш этилди. Шунингдек, имом Бухорийга бағишланган фильмни олиш кўп йиллик орзу эди. Ваҳо Содиқов ижодий гуруҳи билан биргаликда шундай фильмни суратга олди. Фильм кутилгандай жуда ажойиб чиққан. Бироқ мени бироз ўйлантирган жиҳати — имом Бухорий ролига актёр Аббос Муҳаммаджонов танлангани учун рухсат берилмикан? Мен бу ҳақда мазкур фильм ҳақидаги тақризимда ҳам ёзганман. Сабаби, Аббос Муҳаммаджонов кўпроқ салбий образларга мос келадиган актёр, менимча. Энди бугуннинг назари билан тарихимизга боқсак, бир нарсани кўриш мумкинки, кино санъатини ривожлантириш мақсади ўша пайтда ҳам кучли бўлган. Бироқ бу йўлда тўсиқлар кўп эди. Хабарингиз бўлса керак, Москва томонидан умуммиллий совет киноси тушунчаси кенг тарғиб қилинган. Қандай қилиб санъат умуммиллий бўлиши мумкин? Санъат фақат миллий бўлиши лозим. Лекин ўша даврда илгари сурилган бу хато ғоя бизнинг кино санъатимизга салбий таъсир кўрсатди.

— Яхши кино бўлиши учун яхши асар, яхши актёр ва каттагина пул бўлиши керак. Ҳозир кўпчилик мана шу учликдан бизга етишмаётгани пул деб ўйлайди. Аслида ҳам шундайми?

— Маблағ масаласида биз киноижодкорлар республикамиз ҳукуматига миннатдорчилик билдиришимиз керак. Сабаби, ҳеч бир давлатда кино яратиш учун бюджетдан пул ажратилмайди. Масалан, Хитойда ижодий сафарда бўлганимда улар бизда фильм яратиш учун давлат ижодкорларни маблағ билан таъминлашини эшитиб ҳайрон бўлишди. Бошқа давлатларда ҳам шуни айтганимда уларнинг менга ишониши қийин бўлди. Бизнинг ҳукумат миллионлаб маблағ ажратмоқда. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат бу пулларни қайтариб олмайди. Москвалик ҳамкасбларимиз ҳам бизда кино олиниши учун давлат бюджетидан пул ажратилишини эшитиб, ҳайрон қолишди. Шу сабабли яна бир марта фахр билан айтишим мумкин — бизда яхши фильм олиш учун маблағ етарли. Бир йилда ҳукумат бешта бадиий, 50 дан зиёд ҳужжатли фильмга пул ажратади. Ижодкорлар эса фақат яхши асар яратиш мақсадида изланишса бас.

— Кейинги пайтда фақат комедия жанридаги фильмлар суратга олинмоқда. Сизнингча, бу ҳолни томошабин савияси билан изоҳлаш керакми ёки бошқа сабаблариям борми?

— Бизда комедия жанридаги фильмлар ҳар доим машҳур бўлиб келган. Қанийди, бу борада яхши режиссёр бўлса-ю, ҳақиқий фильм яратса. Лекин бугун комедия фильмлари талаб даражасида дея олмайман. Кетма-кет чиқаётган комедиялар томошабинга хуш келаётганининг сабаби, фильмларда оз бўлса-да истеъдод учқуни сезилиб туради. Келажакда ижодкорлар актёрларни танлашга, ҳажвий ҳолатларни яратишга кўпроқ эътибор қаратса яхши бўларди, албатта. Комедия жанрида маромига етказиб олинган асарларга биринчи навбатда Наби Ғаниевнинг Насриддин Афанди ҳақидаги ва Шуҳрат Аббосовнинг «Маҳаллада дув-дув гап» фильмларини киритиш тўғри бўлади. Яна бир ажойиб фильм ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Бу «Стадионда учрашамиз» номли мусиқали фильм. Минг афсуски, бу фильм Москвада сақланади. Мен томошабинга шу фильм етиб келишини жудаям хоҳлардим. Унда ажойиб образлар, жуда қизиқарли эпизодлар мавжуд. Умид қиламанки, мазкур фильмни Москвадан олиб келиш учун ҳукуматимиз кераклиларни кўради.

—Хориж детективларини зўр қизиқиш билан томоша қиламиз. Нега ўзбек киночилари детектив жанрда фильм ишлашмайди? Бизда ушбу жанрбоп асар йўқми ёки режиссёр?

— Албатта, детектив ва жангари жанрдаги фильмлар ҳам бўлиши керак. Лекин бир нарсага эътибор беринг. Мана, кабель орқали ўнлаб чет эл каналларини кўриш мумкин. Намойиш қилинаётган фильмларни қаранг: ўлдириш, портлатиш, умуман ваҳшийлик саҳналари тўлиб кетган. Бу ёш томошабинларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, чет элларда бундай фильмларга қизиқиш ончалик катта эмас. Биз Хитойда «Келинлар қўзғолони» фильмини намойиш қилганимизда фильм таржимасиз бўлганига қарамай зал томошабинларга тўлиб кетди. Детектив, айниқса жангари фильмлар шунақа кўпайиб кетганки, уларга бугун эҳтиёж сезилмаяпти. Ўзбек киноижодкорлари ҳам ўтмишда «Фалокат оёқ остида», «Саҳродаги воқеа», «26-си отилмасин» сингари ажойиб фильмлар олишган. Менимча, детектив асарлардан кўра бугун ҳаётимизда юз бераётган долзарб воқеаларга ёки узоқ ўтмиш мавзусига асосланган фильмлар яратилса яхши бўларди. Баҳоуддин Нақшбандий ҳақида фильм олсак қандай яхши. Бу борада эътиборингизни яна бир нарсага тортмоқчиман. Қаранг, шу кунгача Алишер Навоийнинг «Хамса»сидаги биронта асар экранга кўчирилмаган. Тўғри, «Лайли ва Мажнун»нинг телевизион варианти олинган. Лекин бу фильмни мукаммал деб бўлмайди. Ахир ўзбек адабиётида сценарий яратиш учун ноёб поэмалар тўлиб ётибди. Гулханийнинг «Зарбулмасал»ини олайлик. У қанчадан-қанча қизиқарли мультипликацион фильмларга асос бўлиши мумкин. Ёки «Ўтган кунлар»ни 100 серияли фильм қилиш мумкин.

— Шу ўринда хусусий студиялар ҳақида ҳам айтиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда бундай студиялар кўпайиб кетди. Бу, албатта, яхши. Улар ҳомийлар ёрдамида ёки бошқа жойлардан маблағ топиб турли-туман киноларни олишмоқда. Бироқ фильмларнинг сифати ачинарли аҳволда. Сценарийлар енгил-елпи ёзилган. Кинодан мазмун топиш қийин. Бу борада уларга муносабатим жуда салбий. Энг катта ўғри вақт ўғриси ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилган студиялар ҳам томошабиннинг вақтини ўғирламоқда. Мисол учун «Тоғлик куёв»ни олинг. Бу асардан инсон ўзи учун нима олиши мумкин? Яна бир нечта мазмунан саёз фильмларни санаб ўтиш мумкин. Улар шахримиздаги барча кинотеатрларни банд қилиб турибди. Бу муаммони ҳал қилиш учун бир нечта яхши фильмлар олиш керак. Шунда томошабин кинодаги сифатни фарқлай бошлайди.

Жаҳонгир МАХСУМОВ
суҳбатлашди

P.S.

Яқинда матбуотда кинематография соҳасидаги республика ва ҳудудий органлар фаолиятининг самадорлигини таъминлаш, кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ҳамда намойиш этиш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Кино ижодкорларига янада кенгроқ имкониятларни очиб берувчи ушбу қарор мазкур соҳада ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳал қилинишига ҳам асос бўлади деган, умиддамиз.

MULOQOT

Прокурор бўлиш қийинми?

САРИОСИЁ ТУМАНИ ПРОКУРОРИ, АДЛИЯ КИЧИК МАСЛАҲАТЧИСИ ЭРМАТ МЕЛОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Эрмат ака, дарахтни ниҳоллигидан, инсонни болалигидан тарбиялаш керак дейишади. Прокурор сифатида бу ҳақда нима дея оласиз?

— Бирорта бола жиноятчи бўлиб туғилмайди. Тўғрисини айтганда, «Қовун қовундан ранг олади», «Қозоннинг олдига борсанг қораси юқади», «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, оиладаги носоғлом муҳит болани жиноят кўчасига олиб киради. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ота-онасидан яхши тарбия олган, бировларнинг ҳақини ейишдан ҳазар қиладиган ва уни ҳаром деб ҳисоблайдиган бола жиноят қилиши мумкинми?

«Ўғлинг бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин» деганларидай бола шўх ёки сержаҳл бўлиши табиий. Бироқ, уни ўз вақтида тўғри йўл танлашига бош-қош бўлсак, бу бизнинг ютуғимиз. Чунки шўх, ҳаракатчан, тиришқоқ ўсмирлар ҳар жиҳатдан тезда етилади. Атрофга синчковлик билан назар ташлайди. Агарда уни етуклик даврида ким қўлласа, ибрат кўрсата олса, билингки, келажакда у худди ўша одамдек бўлади.

Билганларнинг айтишига қараганда, болалигимда анча шўх бўлган эканман. Шундан бўлса керак, мактабда яхши ўқисам-да, ўқитувчимиз ҳеч ҳам хушламасди. Чунки ўқитувчилар мўмин-қобил ўқувчилар билан яхши тил топишадилар. Ҳуқуқшунос бўлиш орзуси ёшлигимдан менга тинчлик бермас эди. Айримлар қўлингдан келмайдиган ишга уриниб нима қиласан, ўзингни бунчалар қийнама деган пайтлар ҳам бўлган. Аммо бу сўзлар акс таъсир этарди. Тинимсиз ўқиш, изланиш натижасида ҳатто дарсликлар ҳам ёд бўлиб кетарди. Чин кўнгилдан ҳаракат қилсангиз, мақсадга эришаркансиз. Институтни тугатиб, прокуратуранинг турли бўғинларида ишлаб келдим.

— Прокурор бўлиш қийинми? Қийин бўлса, кўпчилик ёшларимиз нима учун прокурор бўлишни орзу қилишади?

—Афсуслар бўлсинки, айримлар буни бошқача тушунади. Сабаби, шоли курмаксиз бўлмаганидек, ҳар бир соҳада ҳам нопок кимсалар учраб туради, аммо уларнинг тизимга адашиб кириб қолганлиги тез орада маълум бўлиб қолади.

Эл дардини ўз дарди деб билаётган, очиққўнгил, пок прокурорлар, ҳуқуқшунослар жуда кўп. Шундан бўлса керак, кўпчилик ёшлар прокурорларга ҳавас қилади. Эл хизматига камарбаста бўлиш, қонунга зид хатти-ҳаракат содир қилаётганларни фош этиш иштиёқи ҳар бир соғлом боланинг орзуси эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Прокурор бўлиш ҳақиқатан ҳам қийин. Чунки бунинг учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш керак.

— Қишлоқ оқсоқолларининг зерикарли эканлиги учунми, кўпинча кечки пайт ўсмир-ёшлар маҳалланинг турли ҳудудларида, бурчакларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб суҳбат қуриб турганлигининг гувоҳи бўламиз.

Сизнингча, гиёҳвандлик, безорилик, ўғирлик каби жиноятларнинг содир этилишига шундай ҳолатлар ҳам сабаб бўлмаяптими?

—Кўнглимдаги саволни бердингиз. Бундай «йиғин»-лардан келиб чиқаётган жиноятлар ҳам йўқ эмас. Ота-оналар баъзан фарзандларига етарли эътибор беришмайди. Маҳалла раислари бунинг оқибатини ўйламайди. Натижада ёшлар тўда-тўда бўлиб тонготар суҳбатлар ўтказади. Жиноят содир этган, гиёҳвандлик балосига йўлиққан айрим ёшлар ўз фаолиятларини ана шундай учрашувлардан бошлаганини тан олишади.

Бундан хулоса чиқариб, туман ички ишлар бўлими ва ҳокимият фаоллари билан бирга ана шу ҳолатларни мутлақо йўқотиш мақсадида тадбирлар ўтказаяпмиз. Тунги барлар, дискотекалар, видеосалонлар, бильярдхоналар, овоз ёзиш студиялари каби жойларни назорат остига олиб, рейдлар уюштирдик. Натижаси ёмон бўлмади. Бир неча жиноятларнинг олдини олишга эришилди.

— Ўсмирларимиз кўпроқ қандай жиноятларга қўл уришмоқда?

—Ўғирлик билан боғлиқ жиноятлар кўпроқ учраяпти.

— Бугун айрим ёшлар мактабни ҳам унутиб, пул топиш ниятида ўзини бозорга урмоқда. Бироқ бундан хабари бўла туриб ўқитувчи ҳам, мактаб директори ҳам ҳеч қандай чора кўрмайди. Бу ҳолатдан қандай қутулиш керак деб ўйлайсиз?

— Ўқувчиларни фанга қизиқтиролмаган, илмнинг аҳамиятини уқтира олмаган ўқитувчини бу касбга номуносиб деб биламан. У фақат вақт ўтказувчи. Боланинг вақтини беҳуда ўтказган «ўқитувчи» жазоланиши лозим. Сўнг эса боланинг мактабга боришини таъминламаган, керакли шарт-шароитни яратиб бермаган ота-онага айб қўйиш керак. Чунки бугун фарзандини мактабга юборишга кучи етмаган ота-она у вояга етгач нима қила олади? Шу боис кўпроқ мактаб, коллеж, лицейларда бўлишга ҳаракат қиламан. Дарс қолдираётган, фанни ўзлаштиролмаётганлар билан суҳбатлашаман ва уларга қўлимдан келганча ёрдам қиламан.

— Гаплашиш маданияти, сўз бойлигингизга қараганда, анча-мунча китоб мутолаа қилиб турадиган кўринасиз?

— Худди шундай. Биласизми, кўп ҳуқуқшунослар китоб ўқишни ўзига касб қилиб олади. Шулар қатори мен ҳам Пиримқул Қодиров, Шукир Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод каби ёзувчиларнинг китобларини ва Абдулла Орипов, Омон Матчон, Сирожиддин Сайид ва раҳматли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини ўқиб завқ оламан.

— Ҳар бир одамнинг севиб ўқийдиган газетаси, журналлари бўлади. Шу маънода сиз қайси нашрларни қалбингизга яқин деб ҳисоблайсиз?

— Агар хато қилмасам, бу билан қайси нашрларга обуна бўлдингиз демоқчисиз-да?

— Тўғри топдингиз. Шундай деса ҳам бўлади.

— «Инсон ва қонун», «Ҳуқуқ», «Ҳуррият», «Адолат тарозиси» газеталарига, «Қонун ҳимоясида», «Ҳаёт ва қонун» журналларига ҳар йили обуна бўламан. Уйда, оила даврасида қизиқарли мақолаларни ўқиб, ўзимизча мулоҳаза юритамиз.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ суҳбатлашди

DIQQAT, FIRIBGAR

МАКЛЕР КИМ ЎЗИ?

«Ўз уйинг ўлан тўшагинг» дея бекорга айтишмаган. Тўғри-да, қаердаки инсоннинг ризқи сочилган бўлса, ўша ерда умргузаронлик қилиш насиб этган бўлади. Ҳар бир юраги уриб турган одам зоти борки, албатта ўзининг уй-жойи, шарт-шароити, қулайликлари, пули бўлишини истайди ва шунинг учун елиб-югуради.

Ана шу ўтаётган умрда кимдир орзу-ҳавас билан, кимдир нафс ҳавоси билан яшамоқда. Пешона тери билан топилган пул кўзингизга жуда қадрли кўринади. Бу табиий, албатта. Тасаввур қилинг, энди ана шу пулларингизга сиз яхши ниятда кичикроқ бўлса-да бошпана сотиб олдингиз. Хуллас, сиз ҳам уй-жойли бўлдингиз. Олдин ижарада туриб шунчаки оддий умргузаронлик қилган бўлсангиз, энди тўкис уй жойли бўлдингиз. Албатта бу қувончли, аммо...

Аммо сизнинг ишлаб даромад топгунингизча кўрган машаққатларингиз биргина олғирлар бозорида барҳам топади. Шундоққина Амир Темур бекати ёнида жойлашган, ҳар тонгдан кечга қадар бағридан одам аримайдиган бу жой билсангиз «Уй-жой сотиб олиш бозори» деб аталади. У ерга кириб боришингиз билан сизга юқори сифатли хизмат кўрсатилади. Ҳамманинг ниғоҳи сизда, ҳимматли, ўзгача бир садоқат, меҳр билан боқишади. Ким билади, бу садоқату меҳрнинг замирида нима бор? Парвона бўлиш бу сизга нисбатан мурувватми ёки...

Келинг, яхшиси, мезбонлар — МАКЛЕРларнинг садоқатли инсон эканликлари ҳақида сиз ҳам билиб олинг. Менинг ҳам маклерга ишим тушди. Улар шундай касб эгалари эканки, сизнинг фойдангизга бўладими, йўқми, ўтаётган вақтлари пул туради. Хуллас, уй сотиб олиш учун мен ҳам бу бозорга равона бўлдим. Уй ҳақидаги маълумотларни қоғозга ёзиб бўйинларига тақиб олишган, башанг кийинишган, қўлларида уяли телефонлар. Бир сўз билан айтганда, замонавий одамлар орасидаман. Нархи-ю, уй шароитлари тўғри келганлиги учун ёши 60 ларни қоралаган маклер хоним билан уй кўришга бордик. Шу орада менга қайта-қайта таъкидлаб «бизнинг иш ҳақимиз 50 доллар, мана, сизга уйни кўрсатдим» деди. Қачон расмийлаштиришимни айтиб, хайрлашдик. Орадан икки кун ўтар-ўтмас маклер менга сим қоқиб «... шунчаки олди-сотди тарзида расмийлаштирасизми», деди. Укамнинг номига расмийлаштираман деганимда, «ўзинг учун оляпсан, ўзингнинг номингга ҳадя шартномасини тузсак», дея ҳиммат билан сўз қотди. Бу касб эгаларига биринчи марта ишим тушиши эди, мен жуда яхши бўлишини айтганимда маклер хоним нарх қўйдилар. «Бу — ҳадя шартномаси, бироз қимматроқ», «Қанча бўлади», десам «70 минг атрофида» деди. Бунисига ҳам кўндим.

Шу кундан бошлаб маклер хоним расмийлаштириш кунини орзиқиб кута бошлади. Ва ниҳоят, биз нотариус идорасига бордик. Шинамгина жиҳозланган хоналарнинг бирида нотариус опа ишламоқда. Бу орада бизнинг қаҳрамонимиз бир неча бор нотариуснинг олдига кириб чиқиб ишни ҳал қиляпти. Мен эса гуноҳсиз гуноҳкордек, бир четда, сочларига оқ оралаган маклер хонимнинг шунчалар мурувватли эканидан хурсанд бўлиб ўтирардим. Бир оздан сўнг ҳадя шартномасини ёзиб беришди. Унда ёзилишича, хонадоннинг инвентар баҳоси (ёзилган)дан 10 фоиз миқдорида бож тўлаш мумкин экан. Шартноманинг сўнггида нотариус томонидан инвентар баҳосининг 10 фоизи миқдорида тариф бўйича пул ундирилганлиги қайд этилган. Воқеанинг қизиқ жойи шундаки, кетган бир соат вақт учун маклер хонимга 50 минг, ҳадя шартномасини расмийлаштириш учун 70 минг сўм бердим. Лекин менга ҳеч қандай тўлов қоғози беришмади (10 фоиз миқдорида инвентар баҳоси тўланганлиги тўғрисидаги квитанциядан ташқари). 70 минг сўм қаерга, кимнинг чўнтагига тушди? Мен ҳам шунақа бўлар эканда, деб нотариус томонидан тасдиқланган уй ҳужжатлари қўлимга текканидан яхши ниятлар билан ўз уйимга — ўлан тўшагимга равона бўлдим.

Лекин барибир нимадир тинчлик бермасди. Ҳужжатларни бирма-бир кўздан кечирдим. Барибир шубҳали нимадир бўлганлигини билдим. 2 кун ўтар ўтмас нотариуснинг олдига бордим. У эса мендан 70 минг сўм олмаганини ва маклернинг уй телефонини беришимни, ўзи гаплашиб менга товламачилик қилиб олган пулни қайтариб олиб беришини ваъда бериб кузатиб қўйди. Нотариус ёрдами билан 70 минг сўмимни қайтариб олдим.

Маклер ким ўзи? Уларга давлат томонидан бирор ҳуқуқ берилганми ёки дуч келган мижозлан икки оғиз сўзи учун 50 минг сўм олиб, алдов йўллар билан олғирлик қиладиларми. Ҳар бир одамнинг инсофини ўзига берсин дейсиз-у, ёши бир ерга бориб қолган маклер хонимнинг ҳаракатига қандай баҳо берасиз. Гап қўлнинг кири пулда ёки уни қайтариб олганимда эмас, одамларга бўлган ишончнинг сўнишида, инсоннинг қадрида. Айтишади-ку қорнимга эмас, қадримга йиғлайман деб. Ёши 60 ларда бўлган, сочларига оқ оралаган аёлнинг бундай қўштирноқ ичидаги яшаш учун пул топишига нима дейсиз?

Марғуба ОМОНОВА

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 2004 йил 24 март 12 сонида чоп этилган «Ер сотган раис» мақоласининг биринчи абзацидаги «2003 йил 11 мартда» жумласи «2004 йил 11 мартда» деб тузатиб ўқилсин.

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'sischilar:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.
TEL.: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
FAX: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Muallliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 470. 22465 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir F. MAMASHARIPOV
Navbatchi: A. MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 18.30. 1 2 3 4 5 7 8